*Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.*

# XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

2011 йил 7 апрель, пайшанба
14 (386)-сон,
E-mail: axborotXXIasr@yahoo.com



ОИЛАВИЙ БИЗНЕС ХОНАДОН АЪЗОЛАРИНИНГ ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ БИЛАН БИРГА ҚЎНИ-ҚЎШНИ, МАҲАЛЛА ВА МАЪЛУМ БИР ҲУДУДНИНГ ОБОД БЎЛИШИДА ҲАМ МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ

03 КОНЦЕПЦИЯ



«АСАКАБАНК»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН УЧ ОЙИ МОБАЙНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 7 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ

06 БАНК ТИЗИМИ



ЎТГАН БИР НЕЧА ЮЗ ЙИЛЛИКЛАР МОБАЙНИДА ДУНЁДА ЮЗ БЕРГАН 14500 ТА КАТТА ВА КИЧИК УРУШЛАРДА 3 МЛРД. 600 МЛН. КИШИНИНГ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮМГАНИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА

07 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

**“Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастурига мувофиқ ҳамда давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашуви учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришни таъминлаш мақсадида:**

1. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ:

янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайди (акциз солиғига тортиладиган товарлар ишлаб чиқарувчи кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ текширишлар бундан мустасно);

2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текшириш тақиқланади (юридик шахсларни тугатиш чоғида, қўзғатилган жиноий ишлар доирасида, шунингдек, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ҳамда ресурслардан фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно);

кичик тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмайди.

2 ►►



Солиҳ ЗОИР олган суратлар

**Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун Олий Мажлис Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенатда маъқуллангач, O'zLiDeP фракцияси тадбирларида ана шу қонунда аксини топган нормаларнинг мазмун-моҳияти бўйича тарғибот-ташвиқот ишларига асосий эътибор қаратила бошланди. Фракциянинг Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда ташкил этилган «Парламент назорати ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини янада такомиллаштириш масалалари» мавзуидаги давра суҳбатида ҳам миллий парламентаризм ривожланиши, парламент ва депутатлик назоратининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашга доир масалалар хусусида атрофлича фикр юритилди.**

4 ►►

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

**Ўзбекистон Республикаси ўз давлат мустақиллигини қўлга киритган буюк тарихий сана — 1 сентябрь халқимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида беқиёс ўрин тутадиган, ҳар йили энг улуғ, энг азиз байрам сифатида катта шоду хуррамлик билан нишонланадиган қутлуғ айёмдир. Бу йил Ватанимиз мамлакатимиз истиқлолининг шонли санасини — миллий мустақиллигимизнинг йигирма йиллигини баланд руҳ ва кўтаринки кайфият билан кутиб олишга тайёргарлик кўрмоқда.**

Тарихан қисқа бир даврда аввало эл-юртимизнинг хоҳиш-иродаси, куч-қудрати, машаққатли ва бунёдкорона меҳнати эвазига жаҳон харитасида янги, ўз кучи ва салоҳиятига таянган, бугун тараққиёт йўлидан барқарор суръатлар билан ривожланиб бораётган мустақил, суверен Ўзбекистон давлатининг пайдо бўлиши, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг тарихий ғалабасидир.

Айниқса, мамлакатимизда демократик давлат, фуқаролик жамиятини барпо этиш, иқтисодиётимизни бозор муносабатларига ўтказиш ва ривожланган давлатлар қаторидан муносиб жой олиш йўлида эришган марраларимиз жаҳон аҳлини ҳақли равишда ҳайратда қолдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда ўтган давр мобайнида қўлга киритган ютуқ ва натижаларимизни, мамлакатимизнинг салоҳияти ва қудрати, унинг халқаро майдонда нуфузи тобора юксалиб бораётгани, туб ислоҳотларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини аҳолининг кенг қатламларига янада чуқурроқ очиб бериш ва халқаро жамоатчиликка етказиш учун тегишли ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар, тарғибот-ташвиқот ишларини амалга ошириш эътибор марказида бўлиши зарур.

Айни шу вазифаларни инобатга олган ҳолда ва байрам тадбирларини ватандошларимиз, хусусан, ёш авлод қалбида чуқур таассурот қолдирадиган юқори савияда ўтказиш мақсадида:

2 ►►

БУГУНГИ СОНДА:

## МАҲАЛЛА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР УЧУН РАҚОБАТ МАЙДОНИГА АЙЛАНМАСИН

**АЙНИ КУНДА O'ZLIDEPНИНГ МАҲАЛЛА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИГИ БУ ЕРДАГИ МЕҲНАТГА ЛАЁҚАТЛИ АҲОЛИ, АЙНИҚСА АЁЛЛАР ВА ЁШЛАРНИ ТАДБИРКОРЛИККА ЎРГАТИШ ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАНДИР. O'ZLIDEP МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, УНГА АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИШ ЗИНҲОР-БАЗИНҲОР СИЁСИЙ МАНФААТЛАР БИЛАН БОҒЛАНМАСЛИГИ ЛОЗИМ ДЕГАН ФИКРДА.**

05 ►

# Роғуннинг баҳоси фақат ақл тарозусида ўлчаниши керак

**БУТУН ДУНЁ КЎЗ ЎНГИДА СОДИР БЎЛГАН ВА МИНГ-МИНГЛАБ ФУҚАРОЛАР БОШИГА ОҒИР МУСИБАТЛАР СОЛГАН ЯПОНИЯДАГИ ЗИЛЗИЛА ИНСОНИЯТНИ ЯНА БИР БОР АҚЛ БИЛАН ИШ КЎРИШГА, ЎЗ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ ОҚИБАТИНИ ЧУҚУРРОҚ ЎЙЛАШГА МАЖБУР ҚИЛА БОШЛАДИ**

XXI аср гарчи улкан кашфиётлар ва тараққиёт асри дея аталаётган бўлса-да, Яратган томонидан одамзотга берилган ақл она табиатнинг сеҳри, синоати ва кутилмаган инжиқликлари олдида ожиз эканини кўрсатиб қўйди. Натижада дунё жамоатчилиги ана шундай офатлар яна қаерларда содир бўлиши мумкин, уларнинг олдини олиш йўллари борми, деган хавотирли саволларга жавоб излай бошладики, бу яна бир карра ҳеч қандай давлатнинг табиий офатлардан муҳофаза қилинмаганини исботламоқда.

Хусусан, ўтган ҳафтада Россия матбуоти мамлакат ҳудудидаги атом электр станцияларини аҳоли яшаш ҳудудларидан ташқарига олиб чиқиш масаласига жамоатчилик эътиборини қаратган бўлса, Европада атом электр станциялари фаолиятини қайта-қайта назоратдан ўтказиш зарурати энг долзарб масалалар сифатида муҳокама этила бошланди.

Германия жамоатчилиги эса ҳатто ҳукумат эътиборини атом электр станциялари фаолиятини тўхтатиш ва юз бериши мумкин бўлган талафотларнинг оғир оқибатлари олдини олишга чақирди.

Тўғри, Япония ҳам, Россия ҳам Германия сингари биздан анча олисда жойлашган. Аммо жаҳон жамоатчилигининг Япония фожиасидан бунчалар хавотирга тушиб қолгани беихтиёр Тожикистоннинг Роғун ГЭСи билан боғлиқ башоратларни яна ёдимизга солди. Чунки бир неча йиллардан буён Роғун лойиҳаси илгаригидек етти эмас, балки етмиш маротаба ўлчаб амалга ошириладиган лойиҳа эканига дунёнинг нуфузли олимлари, соҳа мутахассислари алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Гарчи Тожикистон раҳбарияти Роғун ҳудудида ҳатто 6 балли зилзилалар рўй бермаслиги ҳақида пайғамбарона башоратлар қилишда давом этиб, меҳнаткаш тожик халқи қўйнини пуч ёнғоққа тўлдираётган бўлса-да, соҳада суяги қотган олимлар мамлакатнинг яқин тарихида қатор зилзилалар рўй берганини, хусусан, Қоратоғ, Помир ҳудудидаги кучли ер силкинишларини куйиниб эсламоқдалар.

04 ►







**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ 2011 ЙИЛ 5 АПРЕЛДАН БОШЛАБ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИ БЎЙИЧА БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ,** статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | ↑ 1748,18 |
| 1 Англия фунт стерлинги | ↑ 2717,17 |
| 1 Дания кронаси | ↑ 321,27 |
| 1 БАА дирҳами | ↑ 458,54 |
| 1 АҚШ доллари | ↑ 1684,02 |
| 1 Миср фунти | ↓ 282,46 |
| 1 Исландия кронаси | ↑ 14,81 |
| 1 Канада доллари | ↑ 1749,81 |
| 1 Хитой юани | ↑ 257,61 |
| 1 Малайзия ринггити | ↑ 556,70 |
| 1 Польша злотийси | ↑ 596,75 |
| 1 СДР | ↓ 2662,59 |
| 1 Туркия лираси | ↑ 1102,32 |
| 1 Швейцария франки | ↓ 1822,34 |
| 1 ЕВРО | ↑ 2370,17 |
| 1 Жанубий Корея вони | ↑ 15,50 |
| 1 Япония иенаси | ↓ 199,93 |
| 1 Россия рубли | ↓ 59,36 |
| 1 Украина гривнаси | ↑ 211,56 |

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

# Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

2. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) назорат қилувчи идоралар билан биргаликда бир ой муддатда тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасидаги аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, уларда қуйидагилар назарда тутилсин:

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш;

солиқ қонунчилиги бузилишларининг тизимли сабабларини аниқлаш, кейинчалик уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш;

тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш.

3. Текширишларни бошлаш ва ўтказиш, хўжалик субъектларининг фаолиятини, шунингдек, банк ҳисоб рақамлари бўйича операцияларни тўхтатиб қўйиш ва бошқа худди шундай хатти-ҳаракатлар тўғрисидаги қарорлар бунинг учун Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида" 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ-2114-сонли ҳамда "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2005 йил 14 июндаги ПФ-3619-сонли фармонларида белгиланган ваколатларга эга бўлмаган мансабдор шахслар томонидан қабул қилинаётганига мутлақо йўл қўйиб бўлмайди, деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ушбу масала бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида таклифлар киритсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси текширишларни тайинлаш ва ўтказиш, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида ўрнатилган тартибга сўзсиз риоя этишга йўналтирилган назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг фаолияти устидан таъсирчан назоратни таъминлаш бўйича зарур чораларни кўрсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Миллий телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда қуйидагиларни таъминласин:

мазкур фармон қоидаларининг мақсади, мазмуни ва амалий аҳамиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш;

давлат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолларини очиб берадиган, шунингдек, айбдор мансабдор шахсларга нисбатан кўрилган жавобгарлик чоралари тўғрисида радиоэшиттириш ва телекўрсатувларни, республика ҳамда маҳаллий матбуотда мақолаларни чоп этишни мунтазам равишда ташкил этиш.

6. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгаши (Ш.М.Мирзиёев) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, бошқа назорат идоралари билан биргаликда икки ҳафта муддатда ушбу фармоннинг қоидалари тааллуқли бўлган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишни қайта кўриб чиқсин ва 2011 йилги текширишлар режасидан чиқариб ташласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

қонун ҳужжатларига ушбу фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив ҳужжатларни мазкур фармонга мувофиқ ҳолга келтирсин.

9. Ушбу фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 4 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

# Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ишлаб чиқилган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастури 1-иловага, Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам томошаси дастурини тайёрлаш бўйича ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Байрамни ўтказиш билан боғлиқ барча тайёргарлик ишлари ва тадбирларни "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" деган шиор остида ташкил этиш мақсадга мувофиқ деб топилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси (Ш.Мирзиёев) томонидан:

комиссия йиғилишларида дастурда белгиланган чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида қандай амалга оширилаётгани юзасидан маҳаллий ҳокимликлар, вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботи мунтазам равишда эшитиб борилсин;

байрам тантаналари арафасида фойдаланишга топшириладиган ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий объектларни ўз вақтида ишга тушириш чоралари кўрилсин;

мамлакатимиз ёшлари — умумий ўрта таълим, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари, олий таълим муассасалари талабалари учун мўлжалланган алоҳида тадбирлар режаси амалга оширилсин;

ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ўқувчилари ўртасида "Баркамол авлод" спорт ўйинларини (Термиз шаҳрида), мамлакатимиз ёшлари иштирокида "Биз — йигирма ёшдамиз" форумини, меҳнат ва ўқув жамоалари ўртасида спорт турлари бўйича "Мустақиллик кубоги" мусобақалари ва марафонини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин;

анъанавий "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалини, ёш ижрочилар ўртасида "Ниҳол", истеъдодли ёшлар ўртасида "Келажак овози", журналистика соҳасида "Энг улуғ, энг азиз", "Олтин қалам", "Озод юрт тўлқинлари", замонавий санъат ва фольклор ижодиёти соҳасида "Навқирон Ўзбекистон", "Асрлар садоси" республика танловларини, шунингдек, янгитдан ташкил этилаётган "Истиқлол тарих кўзгусида" (мустақиллик тарихини ёритишга бағишланган энг яхши илмий ва илмий-оммабоп ишлар учун), "Ватан учун яшайлик" (насрий ва шеърий йўналишдаги энг яхши асарлар учун), "Сени куйлаймиз, замондош!" (театр санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), "Истиқлол солномаси" (кино санъати соҳасидаги энг яхши асарлар учун), "Ранглар жилосида — она диёр" (тасвирий санъат соҳасидаги энг яхши асарлар учун) танловларини юқори даражада ўтказиш таъминлансин.

Вазирлар Маҳкамаси Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишлаб ташкил этилаётган янги кўрик-танловларни ўтказиш тартиби, мукофотларнинг миқдори ва даражаси, ғолибларни аниқлаш ва тақдирлаш мезонларини ишлаб чиқсин ва қабул қилсин.

4. Республика Маънавият ва маърифат кенгаши томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрида мустақилликнинг йигирма йиллик байрамига бағишлаб аҳолининг кенг қатламлари ўртасида маърифий учрашувлар, жонли мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадиий кечалар, маданий тадбирлар ўтказиш мақсадида таниқли олимлар, адиб ва санъаткорлардан иборат маънавий-маърифий тарғибот гуруҳлари ташкил этилсин ҳамда уларнинг белгиланган режа асосида фаолият олиб бориши таъминлансин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, вазирлик ва идоралар ҳамда жамоат ташкилотлари раҳбарларига:

ўн кун муддатда байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ҳудудий комиссияларни тузиш ҳамда улар томонидан амалга ошириладиган вазифаларни аниқ белгилаб бериш;

жойларда юбилейга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни ишлаб чиқишда янги ижодий кучларни, истеъдодли ёшларни кенг жалб этиш вазифаси юклатилсин.

Мазкур режа ва дастурлардан ўрин олган тадбирларни кенг жамоатчиликни жалб этган ҳолда, барча юртдошларимизнинг қалби ва онгига етиб борадиган, уларнинг руҳи ва кайфиятини кўтарадиган, янги марралар сари илҳомлантирадиган таъсирчан шаклда, расмиятчилик ва баландпарвозлик кўринишларидан холи тарзда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилсин.

6. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, «Жаҳон» ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ва мунтазам равишда ёритиб бориш тавсия этилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.Азимов) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигига бағишланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун зарур маблағларни ўз вақтида молиялаштиришни таъминласин.

8. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2011 йил 6 апрель

# Тадбиркорлар ҳуқуқи ва манфаати йўлида

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ТЕКШИРИШЛАРНИ ЯНАДА ҚИСҚАРТИРИШ ВА УЛАР ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДАГИ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИ ТОМОНИДАН СОҲАНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШГА ВА ҚЎШИМЧА ИМТИЁЗЛАР ЯРАТИШГА ҚАРАТИЛГАН МУҲИМ ҲУЖЖАТ СИФАТИДА БАҲОЛАНМОҚДА**



**Нуриддин МУРОДОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Мазкур Фармонга мувофиқ жорий йилда ҳатто режа асосидаги текширишларнинг ўтказилмаслиги ҳам белгилаб қўйилди. Бундан ташқари, янги ташкил этилган кичик тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолияти давлат рўйхатидан ўтгандан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширишларидан ўтказилмайдиган бўлди.

Шунингдек, Фармонда Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Республика кенгашига тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текшириш тартиб-қоидаларини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазифаси топширилдики, бу ўз навбатида текшириш тартибларининг янада соддалаштирилишини таъминлайди.

Шу ўринда истиқлолнинг дастлабки даврлариданоқ Юртбошимиз раҳнамолигида хусусий тадбиркорлик фаолиятини қарор топтириш борасида босқичма-босқич амалга оширилган ислоҳотлар ҳам ўрта қатлам вакилларини ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга қаратилганини, соҳа фаолиятини тартибга солиш ҳамда уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш борасида 100 га яқин қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинганини таъкидлаш мумкин.

Хусусан, кейинги 10 йилда қабул қилинган "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида", "Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида", "Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент фармонлари ҳамда "Тадбиркорлик субъектини ихтиёрий тугатиш ва фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш ҳақида"ги қарори ҳам бу йўналишдаги ислоҳотларнинг янги босқичини нафақат бошлаб берди, балки хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кафолатлаш, мулкий дахлсизлигини таъминлаш, улар фаолиятига нисбатан ҳар қандай аралашувларни бартараф этиш, энг асосийси — давлат органлари ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатларни эркинлаштиришда муҳим аҳамият касб этди.

Юртбошимизнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлмай туриб, дастур ижросини таъминлашга қаратилган ниҳоятда муҳим Фармоннинг эълон қилиниши тадбиркорлик, хусусан, кичик бизнесга йўналтирилган доимий эътибор ва имтиёзларнинг узвий давоми бўлди. Шу маънода ҳам мазкур ҳужжат давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашувининг олдини олишга хизмат қилади. Бундай муносабат, шубҳасиз, тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ва қонуний манфатларини ҳимоя қилишни кучайтириш баробарида мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес улушини энг илғор давлатлар даражасига олиб чиқиш имконини беради.

# Ўрта қатламга қўшимча имтиёз ва кафолатлар берилмоқда

**ТАДБИРКОРЛИК ТАШАББУСИ БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ БОШ ОМИЛИ САНАЛАЁТГАН ШУ КУНЛАРДА ИШБИЛАРМОНЛАР ЭРКИНЛИГИ, ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИГА АРАЛАШМАСЛИК МАМЛАКАТИМИЗНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ АСОСИ ҲИСОБЛАНАДИ**



**Шавкат ТЕШАЕВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
O`zLiDeP фракцияси аъзоси

Президентимизнинг **«Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги** Фармони шу маънода ҳам O`zLiDeP электорати бўлган ўрта қатлам вакиллари фаолиятини янада ривожлантиришга қаратилгани билан ниҳоятда долзарб ҳужжат бўлди.

O`zLiDePнинг Сайловолди дастурида белгилаб қўйилганидек, партия тадбиркорлик фаолиятининг эркинлигини таъминлайдиган ҳуқуқий кафолатлар нафақат қонунчиликда белгилаб қўйилиши, балки амалиётда ҳам унга қатъиян риоя қилиниши керак, деган ғояни илгари суради.

Иқтисодиётни модернизациялаш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, ички бозорни рақобатбардош ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринлари яратиш асосида аҳоли даромадларини кўпайтириш, пировардида мамлакатни тараққий эттиришнинг энг фаол ҳаракатлантирувчи кучи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик экани бугун ҳеч кимга сир эмас. Президентимиз ташаббуси билан жорий йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилингани эса Ўзбекистонда соҳани ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганини кўрсатади.

Мазкур дастурда белгиланган тадбирларга мувофиқ давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига, биринчи навбатда, кичик бизнес субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мансабдор шахсларнинг улар фаолиятига асоссиз аралашгани учун жавобгарлигини кучайтириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфатлари ҳимоя қилинишини таъминлашда Президент Фармони ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.

Фармонга кўра эндиликда 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишлар тақиқлаб қўйилди. Юридик шахсларни тугатиш чоғида қўзғатилган жиноят ишлар доирасида, бюджет ҳамда марказлаштирилган маблағлар ва ресурслардан мақсадли фойдаланиш билан боғлиқ режадан ташқари текширишлар бундан мустасно, албатта.

Фармонга кўра тадбиркорлик субъектлари фаолиятини солиқ соҳасида текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида уларни ўтказиш кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 кундан ортиқ узайтирилишига йўл қўйилмаслиги ҳам кўрсатилди.

Шу ўринда тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини (солиқ тўловчи томонидан тақдим этиладиган молия ва солиқ ҳисоботини таҳлил этиш асосида) камерал назорат қилиш ҳамда дастлабки тарзда ўтказилган камерал назорат натижалари бўйича солиқ қонунчилиги бузилиши аниқланган ҳолларда текширишлар (тафтишлар)ни ташкил қилишни кенг жорий этиш, солиқ қонунчилиги бузилиши сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш учун текширишлардан кейинги таҳлил механизмини татбиқ қилиш, молия-хўжалик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган текширишларни ўтказишда унификациялаштирилган назорат саволномасини ишлаб чиқиш ва мажбурий қўллашни татбиқ этиш вазифалари белгиландики, бу ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг юртимиз иқтисодиётидаги улуши янада кўпайишига, тадбиркорлик субъектларида текширувларни қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга, назорат органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувларини кескин камайтиришга хизмат қилади.

Шу муносабат билан O`zLiDeP тадбиркорлар, фермерлар, мулкдорлар ва ўз электоратининг бошқа вакиллари манфаатларини ҳимоя қилиш қонунчилик базаси ҳамда механизмини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда хўжалик судларининг ролини кучайтиришга қаратилган ишларни давом эттиради. Хўжалик судлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ва бу жараён янада очиқ ва ошкора бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Шунингдек, бу вазифаларни ҳал этишда ҳакамлик судлари имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш лозим, деб билади.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар фаолиятига халал бераётган айрим бюрократик тўсиқларнинг бартараф этилиши уларнинг салоҳият ва имкониятлари тўлиқ рўёбга чиқишига ёрдам беради, албатта. Бу эса иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва мамлакат фуқаролари турмуш фаровонлигининг янада юксалишидаги энг муҳим омилдир.

# КОНЦЕПЦИЯ

**Демократик бозорислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш бугунги куннинг бирламчи вазифасидир**



**Қон-қариндошлик ҳамда иқтисодий манфаатлар муштараклигига асосланган оилавий бизнес бу — мулкка эгалик қилиш ва бошқа омиллар орқали оилавий фаровонликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар йиғиндисидир.**

**Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли, интеллектуал салоҳиятли кишиларгина бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира олади.**

**Концепция — учинчи сектор деб аталаётган нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантиришда муҳим дастуриламал вазифасини ўташи билан ҳам аҳамиятлидир.**

14 (386)-СОН | 2011 йил 7 апрель, **пайшанба** | **e-mail:** axborotXXIasr@yahoo.com

## **Оилавий** бизнес

**«МАМЛАКАТИМИЗДА БИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ УШБУ ШАКЛИ БИЗНЕСНИ ЮРИТИШДА ЮЗАГА КЕЛГАН МИЛЛИЙ АНЪАНАЛАРИМИЗГА, ХЎЖАЛИК ЮРИТИШ ФАОЛИЯТИНИНГ МАВЖУД ҲОЛАТИГА ТЎЛА МОС КЕЛАДИ. ИШОНЧИМ КОМИЛКИ, БУНДАЙ БИЗНЕСНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИНГ ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИ ЯРАТИЛСА, ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ, ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТУРЛИ СОҲАЛАРИДА УНИНГ ЖАДАЛ ВА КЕНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИНИНГ ОЧИЛИШИГА ШАРОИТ ТУҒИЛАДИ».**

**ИСЛОМ КАРИМОВ.**

# Барқарор тараққиёт кафолати

**Рустам ҲАСАНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат ва жамият курилиши академияси кафедра мудири, иктисод фанлари доктори, профессор

Жамият тараққиётининг барча даврларида инсон манфаати устувор аҳамият касб этганлиги, бунга эришиш учун турли ёндашув, усул ва воситалар қўлланилганлиги тарихдан яхши маълум, албатта. Ғарб мамлакатларида ҳаёт тарзи индивидуализм тамойилларига бўйсундирилган бўлса, Шарқда аксинча, ижтимоий ва жамоавий мезонлар етакчи ўрин тутган. Бинобарин, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий фаолиятни жамоавий шаклда, айнан оилавий манфаатлар замирида ташкил этиш ва ривожлантиришнинг илғор анъаналари мавжудки, улар ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Оилавий бизнес орқали топилган даромад, фойда ва бошқа тушумлар хўжалик юритишнинг мулкий мақоми билан белгиланади. Бунинг учун, аввало, бозордаги рақобат муҳити бизнес иштирокчилари томонидан тўғри баҳоланиши лозим. Бошқача айтганда, хусусий бизнесни ривожлантириш кўп жиҳатдан ички имкониятларга боғлиқ бўлиб, қонуний даромадларнинг юқори чегараси солиқлар орқали тартибга солиб туриладн.

Қон-қариндошлик ҳамда иқтисодий манафаатлар муштараклигига асосланган оилавий бизнес бу — мулкка эгалик қилиш ва бошқа омиллар орқали оилавий фаровонликни таъминлашга қаратилган саъй-ҳаракатлар йиғиндисидир, десак хато қилмаймиз. Айни кунда аҳолининг янги қатламлари тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этилаётгани оилавий бизнес тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу, шубҳасиз, меҳнатга лаёқатли кишиларнинг жисмоний ва ақлий қобилиятига, ишлаб чиқариш воситаларига эгалик қилиш, уни тасарруф этиш кўлами ҳамда ҳаракатдаги маблағнинг айланма тезлигига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Мамлакатимизда инсон ўз салоҳиятини тўла намоён қилиши учун етарли шарт-шароит, зарур ҳуқуқий кафолатлар яратилган. Янги техника ва технологияларни қўллаш натижасида маҳсулот ишлаб чиқаришни оилавий бизнес орқали самарали ташкил этишга эришилмоқда. Мулкчиликнинг ушбу шаклида тадбиркорлик ва ишбилармонлик юқори даромад олишнинг асосий шартидир. Оилавий бизнеснинг малакавий даражаси ошгани сари жамиятда ўрта қатлам вакилларининг мавқеи ҳам мустаҳкамланиб бораверади. Ҳалол йўл билан юқори даромад топиш эса осон иш эмас. Оилавий бизнес асосан кичик, ихчам ишлаб чиқариш ва тижорат фаолияти билан шуғулланувчи оилалардан ташкил топиб, бунда омилкорлик, меҳнатсеварлик, билимдонлик ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Оилавий бизнесда товар ва хизматлар ҳаётий эҳтиёж асосида бозорга чиқарилади. Бу — бир. Иккинчидан, аҳоли ўртасида бандлик даражаси ошади. Тажриба оилавий бизнес асосидаги ишлаб чиқаришнинг афзалликларини яққол намоён этмоқда. Зеро, ишлаб чиқаришнинг ушбу турида меҳнат унумдорлиги юқори бўлиб, катта миқдорда маблағ талаб қилинмайди. Иқтисодий таваккалчилик даражаси ҳам юқори эмас. Энг муҳими, оилавий бизнес бозор талабларига тез мослашувчанлиги билан ҳам эътиборга моликдир.

Оилавий бизнес хонадон аъзоларининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан бирга қўни-қўшни, маҳалла ва маълум бир ҳудуднинг обод бўлишида муҳим аҳамият касб этади.

Бунда трансакцион, яъни иш



ўринлари яратиш, ишчи кучи ёллаш, ходимларга ҳақ тўлаш, маъмурий ва бошқа ҳаражатлар учун кам маблағ сарфланишини ҳам ёддан чиқармаслик лозим, албатта.

Қисқа қилиб айтганда, оилавий бизнес мамлакатимизда сиёсий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, аҳоли кенг қатламлари учун тенг имкониятлар яратиш, турмуш фаровонлигини ошириш ҳамда ижтимоий адолат мезонларини қарор топтиришда муҳим роль ўйнайди. Шу маънода оилавий бизнес яқин келажакда жамиятни изчил ва муваффақиятли ривожлантиришнинг таянч нуқталаридан бирига айланиши шак-шубҳасиз.

# Тарғибот натижалар асосидир

**2003 ЙИЛДАН БУЁН МАРКАЗИМИЗ ИМКОНИЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРНИ УМУМТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖАЛБ ЭТИШ, ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШ ҲАМДА ННТЛАРГА АХБОРОТ-РЕСУРС ХИЗМАТИ КЎРСАТУВЧИ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОКДА**

**Дилдора АМИРҚУЛОВА,**
Қашқадарё вилоятидаги «Умид» ташаббусларни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш маркази раҳбари

Ўтган даврда вилоятдаги 4 та ННТ Олий Мажлис қошидаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг грантларини олишга эришди.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар учун яратиб берилаётган имконият ва имтиёзлар ҳақида сўз борганида, Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» асосида «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг тайёрланиши ННТлар ишини ривожлантиришдаги муҳим қадам эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Зеро, кучли фуқаролик жамиятини ННТларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Янги қонун, шубҳасиз, жамоат ташкилотларининг юртдошларимизни жамоат ишига жалб этишдаги фаолиятини янада кучайтиришга хизмат қилади. Жамоат ташкилотларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун эса иқтисодий-молиявий манба ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Демак, тилга олинган қонун бу борадаги муносабатларни тартибга солишда долзарб аҳамият касб этади, деб ўйлайман.

Шунинг учун ҳам Концепцияда кўтарилган устувор вазифаларни атрофлича ўрганиш ҳамда аҳолининг кенг қатламлари ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини самарали ташкиллаштиришимиз лозим. Чунки фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш борасидаги Юртбошимиз Концепциясида илгари сурилган ғоялар биз учун ҳаётий дастуриламалдир.

**Муносабат**

# Қонунни билишнинг ўзи кифоя эмас



**Муҳаммад НОРМАТОВ,**
Тошкент молия институти 2-курс талабаси

**— Мустақиллигимизнинг қарийб 20 йиллик даврида қўлга киритган натижаларимиз танлаган йўлимизнинг қанчалар тўғри эканини кўрсатиб турибди. Концепция ана шу ислоҳотлар ва демократлаштириш жараёнларининг тадрижий давоми сифатида бир неча ўн йилликларга мўлжалланган устувор йўналишларни белгилаб берди.**

**Энг асосийси, мазкур тарихий ҳужжатда илгари сурилган ғоялар демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришга, иқтисодиётни янада либераллаштириш ва пировардида фаровонликни таъминлашга қаратилгани билан ниҳоятда муҳимдир. Фуқароларнинг сиёсий билимларини ошириш масаласини олайлик. Бу аҳолининг мавжуд қонунлардан, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан хабардор бўлишларидангина иборат эмас, деб ўйлайман.**

**Ҳуқуқий маданият, аввало, фуқаролар ана шу қонунларга қатъий риоя қилишлари ва олий судловга нисбатан ишонч кўзи билан қарашларида ҳам акс этади.**

**Чунки фуқаролик жамиятининг асосий вазифаси демократик қадриятларни, инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини, қолаверса, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Шу боис аҳолининг сиёсий фаоллиги, унинг мамлакат ҳаётидаги иштироки қанча юқори бўлса, демократлаштириш ва фуқаролик институтларини ривожлантириш жараёни ҳам шунчалик тез ва самарали кечади.**

**Сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан маданиятли, интеллектуал салоҳиятли кишилар бошқаларни ҳам ўз ортидан эргаштира олади. Менимча, кучли фуқаролик жамияти ана шу жараёнда яққолроқ намоён бўлади.**

## **Учинчи** сектор

# Эркин жамият кўзгуси

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» «КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ» ТАМОЙИЛИНИ ҲАЁТГА ЧУҚУРРОҚ ТАТБИҚ ЭТИШ ВА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШДА МУҲИМ ДАСТУРИЛАМАЛ ВАЗИФАСИНИ ЎТАШИ БИЛАН ҲАМ АҲАМИЯТЛИДИР**



**Нилуфар ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
Сурхондарё вилоят Аёлларни ижтимоий қўллаб-кувватлаш нодавлат нотижорат ташкилоти раҳбари

Шунингдек, демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, давлат ва ҳокимият бўғинлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда ННТларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилади.

Концепцияда таклиф этилган «Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида», «Ижтимоий шериклик тўғрисида»ги қонунлар ҳам аҳоли турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилишда «учинчи сектор»нинг давлат идоралари билан ўзаро муносабатларини белгилаб бериши, бу борада ташкилий-ҳуқуқий механизмларни янада такомиллаштириши билан эътиборга сазовордир.

Мавриди келганда марказимиз томонидан кам таъминланган аёлларни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, оила институтини қўллаб-қувватлаш, соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб қилиш, аёлларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратаётганини таъкидлашни истардим. Марказимизда тажрибали ҳуқуқшунос-адвокатлар, психолог-маслаҳатчилар, соғломлаштириш ва гўзаллик хоналари хизмат кўрсатмоқда.

«Ҳаёт мактаби» ўқув курсимизга ташриф буюраётган хотин-қизлар тикувчи-бичувчилик, қандолатчилик, сартарошлик, макияж, косметология каби касб сирларини ҳам эгаллаётирлар. Уларнинг фарзандлари учун компьютер сабоқлари ва инглиз тили курсларида мактаб дастурлари чуқурлаштирилган ҳолда ўргатилмоқда. Масалан, тикувчи-бичувчилик курсимизда 30 нафар, қандолатчиликда 30 га яқин ижтимоий ёрдамга муҳтож хотин-қиз бепул ўқитилмоқда. Сартарошлик, макияж, косметология гуруҳига 40 дан ортиқ хотин-қиз жалб этилган.

Ишлар кўламини янада кенгайтириш учун вилоят хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими ҳамда «Истиқболли авлод» ННТ билан мустаҳкам алоқа ўрнатган. Айниқса, «Истиқболли авлод» нодавлат нотижорат ташкилоти билан ҳамкорликда одам савдоси, ичкиликбозлик ва бошқа салбий иллатларга қарши изчил тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйганимиз яхши самара бермоқда.

Яқиндан бошлаб эса марказимиз қошида ахборот-таҳлил бўлими ҳам фаолият юрита бошлади. Аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, миллий ҳунармандчилик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган янги бўлим «Микрокредитбанк»нинг вилоят бошқармасидан имтиёзли кредитлар олишга кўмаклашади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида йўлга қўйилган «Бизнесни қандай бошлаш керак?» мавзуидаги семинар-тренинг машғулотлари опа-сингилларимизнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш баробарида уларни иш билан таъминлашда муҳим омил вазифасини ўтамоқда. Машғулотларда хотин-қизларга тажрибали тадбиркорлар бизнесни бошлаш йўлларини ўргатмоқдалар.

Тўрт йилдан буён фаолият кўрсатаётган марказимиз Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фондининг «Ўзинг ўрган ва ўзгаларга ўргат» лойиҳасида иштирок этиб, 7 миллион сўмлик грант ғолиби ҳам бўлди. Бу маблағ ҳисобидан Термиз туманида истиқомат қилаётган 80 нафар хотин-қизга уларга мос касб сирлари ўргатилди.

Таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз яратган Концепцияда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш юзасидан билдирилган таклифлар бизни янада кўпроқ изланишга даъват этди. Шунга мувофиқ кам таъминланган хотин-қизлар учун бепул тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида, замонавий усулда жиҳозланган стоматология, УЗИ хоналари ташкил этишни, фитобар ва қаҳвахона очишни режалаштирдик. Тикувчи-бичувчилик ва қандолатчилик курслари қошида эса ишлаб чиқаришни жорий этиш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

Хуллас, мамлакатимизда «учинчи сектор» учун яратилаётган шарт-шароит ва қулайликлар фаолиятимизнинг сифат ва самарадорлигини оширишга кўмаклашмоқда.

e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_asr@yahoo.com

# Парламент назорати институти кучайтирилмоқда

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ТАШАББУСИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ АЙРИМ МОДДАЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА (78, 80, 93, 96 ВА 98-МОДДАЛАРИГА)»ГИ ҚОНУН ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНИБ, СЕНАТДА МАЪҚУЛЛАНГАЧ, O`ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАДБИРЛАРИДА АНА ШУ ҚОНУНДА АКСИНИ ТОПГАН НОРМАЛАРНИНГ МАЗМУН-МОҲИЯТИ БЎЙИЧА ТАРҒИБОТ-ТАШВИҚОТ ИШЛАРИГА АСОСИЙ ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛА БОШЛАНДИ. ФРАКЦИЯНИНГ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН «ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ ВА ҲУҚУҚНИ ҚЎЛЛАШ АМАЛИЁТИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ» МАВЗУИДАГИ ДАВРА СУҲБАТИДА ҲАМ МИЛЛИЙ ПАРЛАМЕНТАРИЗМ РИВОЖЛАНИШИ, ПАРЛАМЕНТ ВА ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИНИНГ ҚОНУНИЙ АСОСЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ДОИР МАСАЛАЛАР ХУСУСИДА АТРОФЛИЧА ФИКР ЮРИТИЛДИ**



**Сурайё ОДИЛХЎЖАЕВА,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун давлат ҳокимияти ва бошқаруви тизимини янада демократлаштириш, мамлакатни модернизация қилишда парламент ҳамда сиёсий партияларнинг роли ва масъулиятини оширишга қаратилгани билан ҳам ниҳоятда муҳимдир.

Мазкур қонуннинг амалиётга жорий қилиниши Олий Мажлис Қонунчилик палатаси фаолиятини бутунлай янги босқичга кўтаришга хизмат қилади, албатта. Бу аввало, қуйидагиларда ўз ифодасини топмоқда: Биринчидан, ушбу қонун орқали Бош вазир ва Ҳисоб палатаси раиси номзодини тасдиқловчи парламент ваколатлари кенгайса, иккинчидан, илк бора «Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотумини билдириш" институти жорий этилмоқда. Учинчидан эса, Бош вазирнинг Олий Мажлисга мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари, бу соҳада ислоҳотларнинг бориши юзасидан ҳисоботларни такдим этиши белгилаб қўйилмоқда.

Парламентга берилаётган бу ваколатлардан самарали фойдаланиш сиёсий партиялар ва уларнинг парламентдаги фракцияларига алоҳида масъулият юклайди, албатта. Чунки ушбу янги назорат механизмларидан унумли фойдаланиш жамиятда, мамлакат ижтимоий-иқтисодий соҳаларида кечаётган жараёнлар тўғрисида жуда кенг ахборот ва маълумотларга ҳамда улар асосида шакллантирилган партиявий ёндашувга эга бўлишни тақозо этади. Чунки, айнан ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг муҳим мавзулари юзасидан ўз нуқтаи назарига эга бўлган партиягина эртага ҳукумат амалга ошираётган ишларга баҳо бера олиши, керак бўлса бу масалани парламент даражасида муҳокамага қўя олиши мумкин. Шундан келиб чиққан ҳолда Конституцияга киритилаётган ўзгартишларни ҳаётга жорий қилиш учун фақатгина парламентнинг шу йўналишдаги фаолиятини тартибга солувчи қоидалари ёки регламентларига ўзгартиш киритиш кифоя қилади, деб ўйлаш тор ёндашув бўлар эди. Бу, энг аввало, сиёсий партиялардан ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш ва барча даражадаги бўғинларда жамиятда кечаётган жараёнлар, фуқароларни воқеа-ҳодисалардан хабардор қилиб бориш, бу маълумотларни умумлаштириш ва партия нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда уларга баҳо бериш каби тизимли фаолиятни йўлга қўя олишига бевосита боғлиқдир. Бир сўз билан айтганда, янги парламент назорати институтларидан тўлақонли фойдаланиш сиёсий партиялар, айниқса O`zLiDeP ҳар томонлама ўйланган ташкилий, мафкуравий, илмий-таҳлилий йўналишдаги фаолиятни комплекс равишда амалга оширишни талаб қилади.



**Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,**
Тошкент давлат юридик институти доценти

— Қонунларга риоя қилиш, уларни ижро этиш ва қонун нормалари билан тартибга солишга эҳтиёж туғилаётган жамиятдаги ижтимоий муносабатларни аниқлаш, амалдаги қонун ҳужжатларини ҳаёт талаблари билан уйғунлаштиришда парламент назорати функцияси ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгадир. Айни пайтда парламент назорати мансабдор шахслар масъулиятини ошириш ва фуқаролар онгида қонунга ҳурмат руҳини шакллантиришдаги самарали восита ҳамдир.

Мазкур назорат функциясининг муҳим кўриниши сифатида парламент сўрови депутатларнинг давлат бошқарув органлари билан муносабатларида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, у Қонунчилик палатаси депутатининг расмий талаби ҳам ҳисобланади.

Амалдаги "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги қонуннинг 9-моддасига мувофиқ, парламент палаталари, депутатлар ва сенаторлардан парламент сўрови олган Вазирлар Маҳкамаси ёхуд унинг аъзоси қонун билан белгиланган муддатларда Олий Мажлиснинг тегишли палаталари мажлисларида оғзаки ёки ёзма жавоб бериши шартлиги белгилаб қўйилган. Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра эндиликда Олий Мажлиснинг бу борадаги ваколатлари кенгайтирилиб, Бош вазир ва ҳукумат аъзоларини эшитишнинг янги тартиби белгиланмоқда. Юртбошимиз ташаббуси асосида ишлаб чиқилган қонун эса парламент ва ижро ҳокимияти ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, ҳукумат аъзоларининг масъулияти ва жавобгарлигини кескин оширишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Унда акс этган нормалар парламент назоратининг шу кунгача қўлланилиб келинаётган турларини қайтадан кўриб чиқиш орқали улар самарадорлигини янада ошириш ҳамда янги назорат турларидан кенг фойдаланишни тақозо этади. Бу эса қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда тўлиқ ижро этилиши ҳамда ҳаётимизга самарали таъсир кўрсатишини таъминлайди.



**Сардор ЎРАЗБОЕВ,**
Тошкент давлат юридик институти катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди:

— Концепцияда илгари сурилган ғоя ва устувор вазифаларнинг мазмун-моҳияти ҳамда аҳамияти давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштиришда парламент ва сиёсий партияларнинг ролини оширишга қаратилгани учун ҳам бугун кенг муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Концепциянинг асосий ғояси ва унда белгиланган вазифаларни амалиётга жорий қилиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонунда жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши, давлат ҳокимиятининг уч субъекти ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб равишда тақсимланишини таъминлаш каби умумэътироф этилган демократик тамойиллар ўз аксини топди. Бу эндиликда Олий Мажлисга бўлиб ўтадиган сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олиш учун сиёсий партиялардан ўз фаолиятини янада такомиллаштиришни, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа эҳтиёжларини қондириш юзасидан изчил ишлар олиб боришни тақозо этади. Конституцияга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, энди Олий Мажлис назорат функциясининг янада мустаҳкамланиши сайловчилар талабларини Бош вазир ҳисоботини эшитиш чоғида кун тартибига қўйиш имконини ҳам беради.

Маълумки, Олий Мажлис палаталари таркибидаги асосий институционал тузилмалар қўмита ва комиссиялар ҳисобланади. Палаталар ваколатига кирувчи масалаларни ҳал қилишга доир кенг кўламли ишлар ҳам айнан қўмита ва комиссияларда амалга оширилади, яъни ушбу тузилмалар палаталарнинг асосий ишчи органларидир.

Агар қонунчилик фаолиятининг самарадорлиги, энг аввало, қабул қилинаётган қонунларнинг амалда қай даражада қўлланилаётгани билан боғлиқ эканини инобатга олсак, қўмиталар томонидан қонунлар бажарилиши юзасидан тизимли равишда амалга оширилаётган назорат-таҳлил фаолиятининг аҳамияти нақадар катта эканига амин бўламиз. Парламент назоратининг мазкур шаклидан унумли фойдаланган қўмиталар ўтган 2010 йилда 40 дан ортиқ турли қонунлар ижросини ўрганишга қаратилган назорат-таҳлил фаолияти тадбирларини амалга оширдилар.

Бугунги давра суҳбатида парламент назоратини амалга ошириш масаласига, аввало, сиёсий партиялар фракциялари иштироки нуқтаи назаридан ёндошаётган эканмиз, фракция аъзоларининг ушбу йўналишдаги фаолияти қўмиталардан бошланишини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки ҳар бир фракция аъзоси ўз партияси нуқтаи назарини қўмитадаги фаолияти давомида ҳимоя қилишга интилади. Бу эса амалга оширилаётган назоратнинг турли йўналишларини очиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга хизмат қилади.



**Омонулла МУҲАММЕДЖАНОВ,**
Тошкент давлат юридик институти кафедра мудири, юридик фанлари доктори:

— Маълумки, парламент фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланган назорат ваколатларини амалга оширишнинг шакл ва усуллари хилма-хил бўлиб, дунёнинг қатор мамлакатларида мазкур тартиб-қоидалардан бошқарув шакли, парламент конституциявий мақомининг хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланилади. Қуйи палата томонидан ҳам бир неча йиллардан буён амалдаги қонунчилик асосида назорат қилиш функцияси самарали қўлланиб келинмоқда. Бунда парламент эшитуви ва депутатлик сўрови каби назорат турларидан кенг фойдаланилаяпти. Текширувларнинг натижаларини жойларнинг ўзида қонунлар таҳлили асосида кўриш амалиётининг йўлга қўйилиши, аниқланган камчиликларни бартараф этишга оид масалалар қўмиталардагина эмас, балки Олий Мажлиснинг тегишли қарорларида кўрсатилиши уларнинг ечимини топишни осонлаштирмоқда. Халқаро умумэътироф этилган ҳуқуқий меъёрлар асосида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги қонун эса олий вакиллик органининг бу борадаги фаолиятини янада мустаҳкамлайди, албатта.

Мазкур қонунга асосан, Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқини мустаҳкамловчи янги норма парламентнинг ҳукуматга таъсир ўтказиш тизимида алоҳида ўрин эгаллаган масалалардан бўлди. Уни қўллаш ташаббускорлардан нафақат мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ва социал-сиёсий вазият тўғрисида чуқур таҳлилий маълумотларга эга бўлиш ҳамда шу асосда иш кўришни, балки унинг оқибатлари учун масъулиятни ҳам ўз зиммасига олишни талаб қилади. Конституциявий ҳуқуқ нуқтаи назаридан бу жараён нафақат ҳуқуқий, балки, биринчи навбатда, жиддий сиёсий жараён ҳамдир. Демак, бунда ҳукумат фаолиятининг барча йўналишлари бўйича тизимли ишларни амалга ошириш, жамиятда кечаётган ҳар бир ижтимоий аҳамиятга эга жараёнларга ҳуқуқий жиҳатдан баҳо бериш, қолаверса, фракция ёки депутатлар гуруҳининг жамият ҳаётига оид масалалар юзасидан нуқтаи назари, ҳукумат хатти-ҳаракатларига муносабатини кенг жамоатчиликка етказа олиш каби ишларни ҳам тизимли равишда ҳал қилиш зарур бўлади. Чунки ишончсизлик вотуми механизмидан фойдаланиш фақат парламент ва ҳукумат ўртасидаги муносабат бўлиб қолмасдан, бутун жамият ҳаётига дахлдор масаладир.



**Собир ЖАББОРОВ,**
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O`zLiDeP фракцияси аъзоси:

— Кейинги йилларда парламент томонидан қабул қилинаётган қонунларнинг сифатига алоҳида эътибор берилиши уларнинг мукаммал ва ҳаётийлигини таъминламоқда. Бу каби қонунларнинг амалиётга татбиқ этилиши эса кўп жиҳатдан парламент назорати институтидан қай даражада фойдаланишга боғлиқдир. Маълумки, парламент сўрови бу — нафақат қонун чиқарувчининг хизмат бурчи, балки унинг маънавий нуқтаи назари, ҳаёт билан алоқаси ҳамдир. Бу ҳуқуқ ҳар бир депутатдан мустақил ва ташаббускор бўлишни ҳам талаб этади. Назорат қилишнинг бу функциясидан бир неча йиллардан буён самарали фойдаланиб келинмоқда. Лекин Қонунчилик палатасининг ўтган йиллардаги фаолияти таҳлили парламент назоратини ўтказишда амалга оширилаётган ишлар талаб даражасида эмаслигини, яратиб берилган имкониятлардан самарали фойдаланишда ҳали ҳануз муаммолар сақланиб қолаётганлигини кўрсатмоқда. Ўтказилган таҳлиллар ушбу ҳолатга бир қатор омиллар, хусусан, парламент назоратига оид ҳуқуқий асосларнинг етарли даражада эмаслиги сабаб бўлаётганини аёнлаштирди. Маълумки, парламент сўрови ҳамда қўмиталарнинг назорат-таҳлил фаолиятини олиб бориш тартиб-таомиллари қонунларимизда етарлича акс эттирилмаган. Ваҳоланки, парламент назоратининг ҳар бир тури, ҳар бир шаклининг хусусияти, уларнинг қай ҳолларда қўлланилиши ва бир-бирларидан фарқли жиҳатлари қонунларда аниқ акс эттирилиши лозим. Бу парламент назоратини амалга оширувчиларга ҳуқуқий асос бўлиш билан бирга парламент назоратининг аниқ чегараларини ҳам белгилаб беради. Шунинг учун ҳам бугун фракциямиз аъзолари «Парламент назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тайёрлаш вақти келди, деб ҳисобламоқдалар. Айни пайтда ушбу қонун лойиҳаси устида қизғин иш олиб борилмоқда. Ушбу лойиҳада парламент назоратининг мақсади, вазифалари, шакллари, турлари, парламент назорати субъекти ва объектининг ҳуқуқ-мажбуриятлари ҳамда бошқа бир қатор тушунчаларга аниқ таъриф берилади.

***Бир сўз билан айтганда, янги тартиб-тамойиллар асосида мамлакатда амалга оширилаётган ва жамият ҳаётининг барча томонларини қамраб олган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсад юртимизни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин эгаллашини таъминлаш экан, сиёсий партиялардан бундай долзарб вазифаларни амалга ошириш учун барча кучларни сафарбар этган ҳолда самарали фаолият юритиш талаб этилади.***

# Роғуннинг баҳоси фақат ақл тарозусида ўлчаниши керак

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◄◄

**Миродил АБДУРАҲМОНОВ**

Роғун ГЭСи билан боғлиқ режа улкан экологик фалокатларни келтириб чиқариши мумкинлиги ҳақидаги мулоҳазаларни таҳлил этар эканмиз, мамлакатимиз раҳбарияти ва жамоатчиликнинг бундай қалтис ҳаракатлар Сирдарё ва Амударёнинг қуйи қисмларидаги сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни янада оғирлаштириши, шундоқ ҳам қуриб бораётган Оролнинг экологик ҳалокатини тезлаштириб, ҳудудда истиқомат қилаётган Қозоғистон, Туркманистон ва Ўзбекистоннинг ўн миллионлаб фуқаролари турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин, деган хулосалари қанчалар ҳаётий эканига ишонч ҳосил қиламиз.

Бундан ҳам ёмони Роғун тўғони остида тош тузига тўлган Ёнахш тектоник ёриғи мавжудлигига тожикистонлик мутахассислар негадир эътибор қаратмаётганларини ҳам таъкидламаслик мумкин эмас. Шу ўринда кейинги 10 йилда мазкур ҳудуддаги ерости силкинишларининг 30 фоиз фаоллашгани ҳам мутахассислар томонидан бежиз таъкидланмаяпти. Бу борада дунёдаги энг баланд, энг катта ва энг замонавий технология билан жиҳозланган ва хавфсизлиги жиҳатидан нодир дея аталган Саян-Шушенск ГЭСининг қандай хунук оқибатларга олиб келганини бир эсга олайлик. Ана шундай ҳодисотларга қарамай, Тожикистон ҳукумати ўз режасига содиқ қолгани ҳолда Роғун акцияларини мамлакат фуқароларига мажбурий равишда сотишда давом этмоқда. Ҳукумат вакиллари ана шундай гидроиншоот қурилса, ерости сизот сувларининг кўтарилиши натижасида минглаб гектар майдондаги экин экиш учун яроқли ерлар ишдан чиқишини ҳам хаёлларига келтирмаяптилар.

Шу ўринда Амударёнинг трансчегаравий дарё эканини, уни халқаро келишувларга мувофиқ бир давлат ўзича тасарруф қилишга, сувга товар сифатида қарашга ҳақли эмаслигини ҳам таъкидлаш жоиз.

Албатта, бундай йирик лойиҳанинг сув таъминоти билан боғлиқ вазиятни янада оғирлаштириши масаланинг бир жиҳати, холос. Зеро, унинг ҳудуд экологиясига, шундоқ ҳам фожиали аҳволга тушиб қолган Оролга таъсирини ўйламаслик Марказий Осиё халқлари тақдирига бефарқ қарашдан бошқа нарса эмас. Чунки сўнгги 60 йил мобайнида минтақада суғориш майдонларининг кенгайтирилиши Орол ҳавзасида мисли кўрилмаган экологик фалокатларни келтириб чиқарди. Ваҳоланки, экологик таъсирлар туфайли ҳам Тожикистонда болалар ва аёллар ўлими кўпайиб бораётганини инкор этиш мумкинми? Халқаро экспертлар эътироф этаётганларидек, ўлиб бораётган Орол денгизи ҳавзасидан чанг-тўзон билан кўтарилаётган тузлар ҳатто абадий музликларнинг эришига ҳам сабаб бўлаётганини, юз минг тонналаб қум ва зарарли тузлар Россия ва Европа ҳудудларига етиб бораётганини кўриб, кўрмасликка олиш ажабланарли ҳолатдир. Мутахассислар кейинги 50 йилда Орол денгизи акваториясининг сатҳи 4 баравардан кўпроққа қисқаргани, сув ҳажми 10 маротаба камайгани, минераллашув даражаси эса худди шу миқдорда ошганини бежиз таъкидламаяптилар.

Ана шундай оқибатларга қарамай, ҳалигача иқтисодий ривожланишнинг турли йўлларини синаб кўраётган Тожикистон дунёдаги энг баланд тўғон қуриш лойиҳасини тожик халқининг фаровон эртаси тўғрисидаги хомхаёллар билан боғламоқда. Лекин бундай хатти-ҳаракатлар Тожикистон халқигагина эмас, 56 млн. аҳоли истиқомат қилаётган Марказий Осиё халқлари бошига ҳам беадоғ мусибатлар келтириши мумкинлигини улар тасаввур этолмаётган кўринадилар.

Японияда содир бўлган фалокат эса айни пайтда қатор давлатлар раҳбарларини янада ўйлантириши, айниқса, атом электр станциялари қуриш режасини ўзининг ҳаёт мазмунига айлантирган айрим мамлакатлар етакчиларини етти ўлчаб бир кесишга мажбур этмоғи керак.

Ана шундай воқеалар асносида франциялик таниқли олим Жак Барранинг Марказий Осиёнинг сув ва гидроэлектрэнергияси муаммолари хусусидаги айрим мулоҳазалари эътиборни тортади.

Жак Барра Марказий Осиёнинг гидроэнергетик муаммоларига муносабат билдирар экан, Роғун ГЭСининг қурилиш лойиҳаси бундан 40 йил аввал ишлаб чиқилганини, айни пайтда бу лойиҳа замон талабларига мутлақо мос келмаслиги жиҳатидан ҳам ниҳоятда хавфли эканини таъкидлайди.

— Роғун ГЭСи ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритилганида бир қатор йирик халқаро ташкилотлар бу борадаги аччиқ ҳақиқатни айтишга журъат топдилар, — дейди олим. — Ҳатто хорижнинг айрим хусусий компаниялари бундан молиявий манфаатдор эканларига қарамай, лойиҳанинг хавфлилигини очиқ тан олдилар.

Роғун лойиҳасига муносабат билдирган аксарият мутахассислар каби Жак Барра ҳам ниҳоятда ташвишланарли хулоса чиқариб, Роғун қурилиши ўз-ўзини ҳалокатга олиб боришдан бошқа нарса эмас, деб ёзади.

«Росатом» давлат корпорацияси инжиниринг фаолиятининг лойиҳаларни бошқариш дастури директори Сергей Бояркин эса Япония фожиасидан Россия ҳам тегишли хулосалар чиқаришини таъкидлаб, мамлакатда хавф туғдираётган барча атом станциялари фаолияти тўхтатилади, деган фикрни билдирди.

Шу ўринда Сергей Бояркиннинг бундан роппа-роса бир ҳафта олдин «НТВ» телеканали журналистларига берган интервьюсида атом электр станциялари қурилишининг энг бирламчи шарти хавфсиз ҳудуд танланишида, деган гапи Роғун қурилиши масаласидаги Ўзбекистон раҳбарияти қарашларининг нечоғли тўғри эканини яна бир бор исботлагандек бўлди.

Бундан ташқари, 2010 йилнинг ўзидагина турли табиий офатлар натижасида дунёда 250 мингдан зиёд фуқаро нобуд бўлгани, 2011 йилда эса бу кўрсаткичнинг янада аянчлироқ тус олиши мумкинлиги таъкидланаётганидан ҳам кўз юммаслик керак. Кейинги 140 йил мобайнида биринчи маротаба ана шундай кучли зилзилани бошдан кечирган Японияда ги талафотлар 1957 йиллдаги Уиндскейл (Англия), 1986 йилдаги Чернобиль фожиаларини яна бир карра ёдга солди. Энг ёмони, портлаш натижасида кўпчилик учун унчалар таниш бўлмаган кимёвий моддалар тарқала бошлагани жаҳон жамоатчилигини том маънода хавотирга солиб қўйди. Рихтер шкаласи бўйича 9 балли ер силкинишлари натижасида рўй берган фожиа ана шундай заҳарли моддаларни 180 кв. миль (466 кв.километр)га тарқатиши мумкинлиги ҳақидаги фикрларни билдирган россиялик олим, иқтисод фанлари доктори Андрей Черкасенконинг «Независимая газета»сига берган интервьюсидаги мулоҳазалари эса бир-бирига яқин бўлган Марказий Осиё мамлакатлари учун Роғун ГЭСи қурилиши қанчалар хавфли эканини кўрсатади.

Мақолага нуқта қўяр эканмиз, яқинда Жиззах вилоятининг Бахмал туманидаги Узунбулоқ қишлоғида содир бўлган бир воқеа ёдимизга тушди. Мазкур ҳудудда ҳуқуқ-тартибот идоралари билан чегарачиларимиз айланма йўллар орқали Ўзбекистонга кириб келган 3 нафар Тожикистон фуқаросини тўхтатдилар. Асли Тожикистон Республикасининг Сўғд вилояти, Панжикент районининг Сарикамар қишлоғида яшовчи кишилар дастлабки суриштирув пайтида Ўзбекистонга пул ишлаш учун келганларини таъкидладилар.

— Оила боқиш учун егулик керак. Иш эса йўқ! Озроқ ерга шоли эккандим, ҳосил яхши бўлмади. Яна колхозга топширдим. Тўнғичим мактабга боради, қолганлари эса уйда. Қишлоғимизда ҳатто боғча ҳам йўқ. Болаларга бир бурда нон топиб бериш муаммога айланиб бораётир. Бунинг устига, Роғун деган бало чиқди. Ҳар бир оила ана шу қурилиш учун 100 сомонийдан мажбурий тарзда пул тўлаяпти. Бермаганларни эса милиция олиб кетмоқда. Ўзбекистон ерларидан қўзиқорин, ҳуйрак териб, Панжикентда сотмоқчи эдим. Рўзғорга ҳарна-да!

Ортиқча изоҳ талаб этмаётган бу сўзлар ҳақиқатан ҳам ниҳоятда оғриқлидир.

Бизнингча, бундай мулоҳазалар яна бир бор Роғун ГЭСининг асл баҳоси фақатгина ақл тарозусида ўлчаниши лозимлигини англатади, холос.

**— Роғун ГЭСи ҳақида чуқурроқ мулоҳаза юритилганида бир қатор йирик халқаро ташкилотлар бу борадаги аччиқ ҳақиқатни айтишга журъат топдилар, — дейди олим. — Ҳатто хорижнинг айрим хусусий компаниялари бундан молиявий манфаатдор эканларига қарамай, бу лойиҳанинг хавфлилигини очиқ тан олдилар. Роғун лойиҳасига муносабат билдирган аксарият мутахассислар каби Жак Барра ҳам ниҳоятда ташвишланарли хулоса чиқариб, Роғун қурилиши ўз-ўзини ҳалокатга олиб боришдан бошқа нарса эмас, — деб ёзади.**

# Маҳалла сиёсий партиялар учун рақобат майдонига айланмаслиги керак

**2011 ЙИЛНИНГ МАЙ-ИЮНЬ ОЙЛАРИДА ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНЛАРИ РАИСЛАРИ (ОҚСОҚОЛЛАРИ) ВА УЛАРНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ ВАКОЛАТЛАРИ МУДДАТИ ТУГАШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН КОНСТИТУЦИЯНИНГ 105-МОДДАСИ ВА «ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУННИНГ 6-МОДДАСИГА МУВОФИҚ, МАМЛАКАТИМИЗДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИГА НАВБАТДАГИ САЙЛОВЛАР БЎЛИБ ЎТАДИ**

**Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бу борадаги нуқтаи назарига кўра, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш зарур. Бунда биринчи галда ана шу ижтимоий институт зиммасидаги вазифаларни бажаришга қодир, бугунги замон талаблари асосида фикрловчи, пировардида эса мамлакат ободлиги ва фаровонлигига ҳисса қўша оладиган маҳалла оқсоқолларини ўз ўрнига қўйиш муҳим аҳамиятга эга.**



**Қаҳрамон САЙДАЛИЕВ,**
«XXI ASR»

Маҳалла азалдан ўзбек давлатчилиги бошқаруви тизимида муҳим ўрин эгаллаб келгани боис ҳам жамиятни ана шу институт орқали бошқариш бугунги ўзбек демократиясининг ёрқин бир кўринишига айланди. Ҳозирги кунда кенг кўламли фаолият олиб бораётган мазкур ижтимоий институтга қаратилаётган эътибор юртимизда амалга оширилаётган «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилининг амалий ифодаси бўлиб, мамлакатимизни янгилаш ва демократлаштириш, фуқароларнинг онгу тафаккурини замонавий асосда шакллантиришга хизмат қилмоқда. Бошқарувнинг ўзига хос бу усулига дунёнинг қатор давлатлари томонидан алоҳида қизиқиш билдирилаётганининг боиси ҳам ана шунда.

Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 31 март куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисидан сўнг оммавий ахборот воситалари ходимлари учун ўтказилган брифингда ҳам маҳалла институти фаолиятининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, уни жамиятнинг иқтисодий ва маънавий ҳаётининг ажралмас қисми сифатидаги ўрнини ошириш мақсадида изчил чора-тадбирлар кўрилаётгани алоҳида таъкидланди.

— Маҳалла институти самарадорлигини оширишда 1999 йилда қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги ва 2004 йилдан амал қилаётган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги қонунлар муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди брифингда «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Анвар Ахмедов. — Ана шу ҳужжатлар асосида мунтазам ўтказиб келинаётган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жойлардаги мавжуд камчиликларга нисбатан талабчанлик ва муросасизлик асосида фаолият юритадиган муносиб номзодларни сайлаш имконини бермоқда. 2008 йилнинг ноябрь-декабрь ойларида бўлиб ўтган сайлов якунлари бўйича 9881 нафар — халқ дардига ошно, ҳаётий тажрибага эга фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоли) ва уларнинг 85 минг нафардан ортиқ маслаҳатчиси сайланган бўлса, бу галги сайловда эса 10 минг нафарга яқин раис (оқсоқол) ва уларнинг 98 минг нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади.

Брифинг иштирокчиларининг фикрича, навбатдаги сайловлар кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнлари чуқурлашиб бораётгани билан ажралиб турадиган ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шароитда ўтади. Негаки, кейинги йилларда ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини қуриш йўлида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида давлат бошқаруви функцияларининг маълум бир қисми ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич асосда ўтказилди. Бугун маҳаллалар ҳақиқий демократия дарсхонаси сифатида шу ерда истиқомат қилувчиларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал этишга қодир бўлган ҳудудга айланди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Светлана Ортиқованинг таъкидлашича, сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш барча қонуний талаблар асосида ташкил этилади.

Маҳалланинг аҳоли, айниқса ёшларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси билан боғлиқ масалаларни ечиш, ижтимоий соҳанинг самарали фаолият юритишини таъминлаш, жойларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини сақлаш борасидаги ҳиссаси тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олсак, сенатор С.Ортиқова таъкидлаганидек, маҳалла оқсоқолини энг муносиб номзодлар орасидан сайлаш муҳим масала экани аён бўлади. Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бу борадаги нуқтаи назарига кўра, маҳаллани аҳолини аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш зарур. Бунда биринчи галда ана шу ижтимоий институт зиммасидаги вазифаларни бажаришга қодир, бугунги замон талаблари асосида фикрловчи, пировардида эса мамлакат ободлиги ва фаровонлигига ҳисса қўша оладиган маҳалла оқсоқолларини ўз ўрнига қўйиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бугун жойларда фуқароларнинг энг долзарб муаммоларини ўз вақтида ва муваффақиятли ҳал этиш, улар манфаатини ҳимоя қилишда маҳалла тизимининг таъсири ва аҳамияти беқиёс эканини ҳеч ким инкор эта олмайди.

O`zLiDeP аъзолари ана шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш партиянинг мақсад ва муддаоларига тўлиқ мос келади, деб ҳисоблайдилар. Маълумки, тадбиркорликка дастлабки қадам оилада, маҳалла миқёсида ташланади. Маҳаллани оилавий бизнес марказига айлантириш шунинг учун ҳам муҳимки, унда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар нафақат ўз оилалари, балки шу ҳудудда истиқомат қилувчи бошқа фуқароларнинг ҳам ижтимоий манфаатларига хизмат қиладилар. Яъни ўзини ўзи бошқариш органи ҳудудида ташкил этилган ҳар қандай тадбиркорлик тузилмаси ёхуд маиший хизмат кўрсатиш шохобчаси аҳоли учун қулайликлар яратиши баробарида уларни фойдали меҳнатга жалб этиш имкониятини ҳам кенгайтиради. Айни кунда O`zLiDePнинг маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлиги бу ердаги меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса аёллар ва ёшларни тадбиркорликка ўргатиш орқали уларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга қаратилгандир.

O`zLiDeP вакилларининг фикрича, маҳалла институтини янада ривожлантириш, унга амалий ёрдам бериш зинҳор-базинҳор сиёсий манфаатлар билан боғланмаслиги керак. Бугунги кун маҳалла раиси (оқсоқоли) сайлови арафасида унга ўз манфаатларига хизмат қиладиган ва ҳазрати сайловчининг хоҳиш-иродасига таъсир этадиган восита сифатида қараш манфаатлар мувозанатига салбий таъсир этиши мумкин. Маҳаллаларга моддий ва маънавий кўмак бериш, унинг ободлигига ҳисса қўшиш албатта ҳар биримизнинг бурчимиздир. Аммо бундай ҳаракатлар замирида маҳалла раиси ёки фаолларидан эртага сайловда фойдаланаман, деган мақсад жой олмаслиги керак. Чунки бу сайлов партиялар ўртасидаги сиёсий курашга эмас, балки маҳалла институтини ислоҳотларнинг янги босқичдаги ўрнини янада мустаҳкамлаш, имкониятларини оширишга хизмат қилиши лозим. Зеро, ўтган сайловлар даврида айрим партиялар маҳаллани сиёсийлаштиришга уриниб кўрдилар. Мамлакатдаги партияларнинг ўз мавқеини фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари орасидаги вакиллари оз ёки кўплиги билан ўлчашдан кўра маҳаллага реал ёрдам кўрсатсалар, мақсадга мувофиқ бўларди. Май-июнь ойларига белгиланган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчилари сайлови остонасида эса бел оғритмасдан «очко» тўплаш ҳадисини олган ана шундай партиялар ўз нуқтаи назари ва мақсад-муддаоларига яраша иш тутишлари лозим бўлади. Токи бу галги сайловлар аввалгилари сингари сиёсий партияларнинг манфаатларига хизмат қилмаслиги керак.

# Йўлларимиз янада равон бўлади

**«ЎЗАВТОЙЎЛ» ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ТОМОНИДАН МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН БРИФИНГДА СОҲАДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР, ЎТГАН ДАВР МОБАЙНИДА БАЖАРИЛГАН ИШЛАР ҲАМДА ДАК ОЛДИГА ҚЎЙИЛГАН УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ХУСУСИДА СЎЗ ЮРИТИЛДИ**

**Шухрат ХЎЖАЕВ**

«Ўзавтойўл» ДАК бошқаруви раиси Миродилло Абдуллаев юртимиз географик жиҳатдан қитъа ичкарисида жойлашгани, транспорт воситалари йил сайин кўпайиб бораётгани туфайли автомобиль йўлларига эҳтиёж ва эътибор юқори эканини таъкидлади.

— Масалан, айни пайтда мамлакатимиз ҳудудида 20 дан ортиқ халқаро транспорт йўллари ишлаб турибди, аҳоли зич жойлашган Фарғона водийсининг бошқа минтақалар билан алоқаси ҳам асосан автомобиль йўллари орқали амалга оширилаяпти, — деди компания раҳбари. — Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича бир қатор ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, улар асосида мақсадли дастурлар амалга оширилди. Хусусан, 1991 йилдан буён халқаро ва давлат аҳамиятидаги 3722 километр йўл қурилди. Ҳар йили 200-250 км. йўл реконструкция қилинмоқда. 1500-2000 километри эса тўлиқ ёки ўрта таъмирдан чиқарилмоқда.

«Ўзавтойўл» ДАКнинг келгуси режалари ҳақида маълумот берган компания бошқаруви раиси ўринбосари Шокир Шералиев ўтган давр ичида 2755 километрли Ўзбек миллий автомагистралининг 238 километрдан иборат қисмидаги йўллар икки тасмадан тўрт тасмага кенгайтирилгани (ҳар икки томондан сал кам тўрт метр қўшилади), яқин йилларда эса бу кўрсаткич 1501 км.га етказилиши, 2011 йилнинг ўзида ички хўжалик йўлларини янгилашнинг ўзига 20 млрд. сўм ажратилишини айтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 21 декабрдаги «2011-2015 йилларда транспорт ва коммуникация қурилиши инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тузилган дастурга кўра, 2012-2015 йилларда республикамизнинг деярли барча ҳудудларида, жумладан, Бейнов-Қўнғирот-Бухоро-Навоий-Самарқанд-Тошкент-Андижон, Тошкент-Ўш, Бухоро-Қарши-Ғузор-Термиз ва бошқа йўналишларда жами 2306 км.лик йўл қурилиши ва реконструкция қилиниши йўловчилар учун катта қулайликлар яратади.




# Остеопороз — XXI аср муаммоси

**XX АСРНИНГ ОХИРГИ ЎНЙИЛЛИГИДА 50 ЁШДАН ОШГАН КИШИЛАРДА СУЯК ВА БЎҒИН КАСАЛЛИКЛАРИ КЕСКИН КЎПАЙГАНИ УЧУН ҲАМ БУТУН ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ XXI АСРНИНГ БИРИНЧИ ЎНЙИЛЛИГИНИ «СУЯК ВА БЎҒИН ДЕКАДАСИ» ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛДИ**

**М. РУСТАМОВА,**
тиббиёт фанлари номзоди

Суяк-мушак тизими касалликлари орасида остеопороз (ОП) кенг тарқалган бўлиб, хасталикнинг белгиларидан бири суяк тўқимаси ҳажмининг камайиши, микроархитектоникаси бузилиши туфайли суяк мустаҳкамлигининг пасайишига ва синиш хавфи ошишига олиб келади. Эпидемиологик изланишлар натижалари дунёда ОП билан касалланмаган ирқ, миллат ва мамлакат йўқлигини кўрсатмоқда. Масалан, 240 млн. нафардан зиёд аҳолиси бўлган АҚШда 18,6 млн. нафар фуқаро суягининг минерал зичлиги (СМЗ) кўрсаткичлари бўйича пасайган. 8 млн. нафар аёл ва 2 млн. нафардан зиёд эркак остеопорозга чалинган. Ўртача ҳар йили қайд қилинадиган 1,5 млн. синиш ҳолатининг 700 мингтаси умуртқа поғонаси, 300 мингтаси елка суягининг дистал қисми, 250 мингдан ортиқ сон суяги ҳамда бошқа суяклар синишидан иборат экани аниқланган бўлиб, уларни даволаш учун йилига 13,8 млрд. АҚШ доллари сарф қилинмоқда. Россиянинг 16 та шаҳрида ўтказилган эпидемиологик текширувлар натижаларига кўра, сон суяги проксимал қисмининг синиши 50 ёшдан ошган аҳоли ичида ҳар 1000 тадан биттасида, елка суягининг синиши эса шу ёшдаги аёлларда ҳар 100 тадан бирида, яъни эркакларга нисбатан 2,7 баробар камроқ учраши маълум бўлган.

Таъкидлаш жоиз: аксарият ҳолларда (85 фоиз) ОП бирламчи ҳисобланади. Аммо турли касалликларни (ревматологик, эндокрин, онкологик, ўпканинг обструктив касалликлари ва бронхиал астма, буйрак, ошқозон-ичак касалликлари, муддатли ҳаракатсизланиш ва узоқ вақт ҳар хил (глюкокортикоидлар, иммунодепресантлар, тутқаноққа қарши дорилар, қалқонсимон без гормонлари ва бошқалар) даволашнинг асорати бўлмиш — иккиламчи остеопороз ҳам жиддий тиббий муаммо ҳисобланади.

Алоҳида эътибор берилаётгани туфайли кейинги 10 йил ичида ОПни даволашда катта ютуқларга эришилди. Хусусан, суяк тўқимаси алмашинувининг ҳар хил поғоналарига таъсир қилувчи янги дори воситалари яратилди. Замонавий даволаш тартиблари қўллланила бошланди. Бироқ бу жараён оддий кечмайди. Чунки касаллик анча кеч, турли суяклар синиши оқибатида ва тўсатдан аниқланади. Бундан ташқари, у узоқ муддат даволаниши боис самараси муайян вақтдан кейингина маълум бўлади.

Мазкур касалликни даволашнинг яна бир усули беморларнинг ёмон иллатлардан (чекиш, спиртли ичимликлар ва қаҳвани ортиқча истеъмол қилиш ҳамда оғир жисмоний ҳаракат) қайтариш, бадантарбия, гимнастика, сузиш билан мунтазам шуғулланишдир.

Юқорида таъкидланган муолажалар натижасида суяк тўқимаси мўртлилиги камаяди, суякнинг тикланиш жараёни СМЗнинг яхшиланишига, суяк синиш хавфининг камайишига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, ОПни профилактика қилиш ва даволаш усулларидан самарали фойдаланиш беморлар суяги мустаҳкамлигини ошириш ва суяк синишларининг камайиши имконини беради.

O'ZSANOATQURILISHBANK

**Открытый акционерный коммерческий банк «Узпромстройбанк»**

**ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРС**

**ПО ЗАКУПКЕ И УСТАНОВКЕ ОБОРУДОВАНИЯ ДЛЯ ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ В 79 ТОЧКАХ.**

**Подробную информацию Вы можете получить по следующему адресу: г.Ташкент, ул. Шахрисабзская 3. Тел: 233-81-09, 120-45-03. Факс: 120-45-60.**

Коммерческие предложения с указанием цен, сроков поставки и гарантии, статусе компании в качестве партнера поставщика оборудования, а также авторизационным письмом компании-производителя должны быть в конверте, запечатанном печатью поставщика.

**Коммерческие предложения принимаются до 15 апреля 2011 года.**

*Ҳурматли тадбиркор ва ишбилармонлар!*

**ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ МАРКАЗИ**

Нодавлат нотижорат ташкилоти хусусий бизнесни йўлга қўйиш, иш фаолиятингизга турли ноқонуний аралашувлар сабабларини таҳлил қилиб, уларни бартараф этишда сизларнинг энг яқин ҳамкорингиз ва кўмакчингиздир.

Фаолиятингизда бирор муаммо юзага келса, сира иккиланмай бизга мурожаат этинг!

Манзил: Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув-6 даҳаси 19-Г уйда жойлашган.
Тел.: 8 (371) 265-80-48; 265-73-17. E-mail: deputat.uz@rambler.ru

Зангиота туман халқ таълими бўлимига қарашли 21-мактаб томонидан Мухамеджанова Фарида Мухамеджановнага 1985 йилда берилган ўрта маълумот тўғрисидаги 824551 рақамли аттестат йўқолгани туфайли бекор қилинади.

Зангиота туман халқ таълими бўлимига қарашли 21-мактаб томонидан Аширов Баҳодир Байпулатовичга 2007 йилда берилган ўрта маълумот тўғрисидаги O`R-SH 0736952 рақамли аттестат йўқолгани туфайли бекор қилинади.

# Учинчи секторга бирламчи эътибор

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» ЮКСАК ГУМАНИСТИК ҒОЯЛАР АСОСИГА ҚУРИЛГАНИ БИЛАН ҲАМ ХАЛҚАРО ЭКСПЕРТЛАР ВА ТАҲЛИЛЧИ ОЛИМЛАР ЭЪТИБОРИНИ ТОРТАЯПТИ**

Бундан ташқари, унда давлат сиёсати ва жамият тараққиёти билан боғлиқ устувор масалалар кенг таҳлил этилиб, уларнинг ижтимоий моҳияти тўлиқ асослаб берилди. Хусусан, Концепциянинг «Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш» бўлимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини эгаллаган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партия томонидан таклиф этилиши сиёсий партиялардан айни масалага нисбатан жуда катта масъулият ва талабчанлик билан ёндашишни талаб этади. Чунки бунда гап сиёсий кучларнинг мамлакат тақдирига муносабати ҳақида бораяпти.

Концепцияга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман киритилган таклиф бўйича эндиликда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми институтини қўллаш ҳақидаги масалани киритиш кўзда тутилмоқда. Бу жамиятимизда тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислоҳотларнинг яна бир кўринишидир. Энг муҳими — давлат ҳокимияти ва бошқарувини такомиллаштириш борасида сиёсий партиялар, уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларига алоҳида ваколатлар бериш назарда тутилмоқдаки, бу дунё амалиётига тўлиқ мос келади.

Концепцияда тилга олинган яна бир муҳим масала — бу миллий парламентаризмни янада ривожлантириш вазифасидир. Маълумки, 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум ва шу асосда қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги Конституциявий қонун ҳуқуқий соҳадаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш имконини берди. Умумхалқ референдуми якунларига кўра мамлакатда икки палатали парламентга ўтиш масаласи ҳам ҳал этилиб, бу борада яна тадрижийлик ва босқичма-босқичлик таъминланди.

Концепциянинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз борганида учинчи сектор, дея эътироф этилаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар зиммасида катта масъулият турганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Улар бундан тегишли хулосалар чиқариб, ўз фаолиятларида туб бурилиш ясашлари лозим, албатта. Қолаверса, «ахборот бозори» ривожланган ҳозирги шароитда миллий матбуотимиз сифати ва таъсирчанлигини ошириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган вазифалардан биридир. Турли кўринишдаги мафкуравий хуружларнинг айнан оммавий ахборот воситалари орқали уюштирилаётгани ҳар биримизни ҳушёр торттириши керак. Концепция ана шундай ўй-тафаккуримизни бойитишга хизмат қилиши билан ҳам алоҳида аҳамиятга эгадир. Тўғри, бошқа ахборот воситаларига нисбатан ғоявий таъсир кучи тобора ортиб бораётган телевидение, радио ёки кабель телевидениеси тўғрисида ҳалигача тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар мавжуд эмас. Шуни назарда тутган ҳолда Концепцияда «Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» янги қонун қабул қилиш таклифи илгари сурилди.



**Учқун КАМОЛОВ,**
Ўзбекистон Республикаси Президенти' ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

Умуман Концепция жамият тараққиёти, бугунги ўзгаришлар жараёни ҳақида жиддий мулоҳаза юритишга ундайди. Унда илгари сурилган ғоялар, белгилаб берилган вазифалар ғоят муҳим ва долзарблиги билан диққатга моликдир. Зотан, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш орқалигина кўзланган мақсадларга тўлиқ эришиш мумкин. Бу эса ҳар биримиздан катта масъулият ҳамда сиёсий фаолликни талаб этади.

# *Марказий банк ва O`zLiDeP ҳамкорлиги реал натижалар бермоқда*

**O`ZLIDEP ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ҚАШҚАДАРЁ, БУХОРО ВА СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТЛАРИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК УЧУН ЯНАДА ҚУЛАЙ ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШ, СОҲАНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА БАНК-МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ ҲАҚИДА, ИЛҒОР ТАШАББУСЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, ПАРТИЯ ЭЛЕКТОРАТИ ВАКИЛЛАРИДА МИКРОМОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГА ОИД КЎНИКМАЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ЎТКАЗДИ**

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тўлқин Турсунов, Марказий банк департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Акром Алимов сўзга чиқиб, асосий эътиборни олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари орасида бизнес ўқув-курсларини ташкил этиш, партиянинг «Ёшлар қаноти» томонидан ишлаб чиқилган «Диплом билан — бизнесга», «Ёш тадбиркорлар ёзги амалиёт мактаби», «Ишбилармон ўқувчи» каби лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти, навқирон авлод вакилларини хусусий сектор фаолиятига жалб этиш, уларнинг тадбиркорликка оид билим ва кўникмаларини шакллантириш масалаларига қаратдилар.

Таъкидлаш жоизки, Қашқадарё вилоятида 130 та ўрта махсус касб-ҳунар коллежи бўлиб, жорий йилда уларни 35583 нафар ўғил-қиз битириб чиқади. Шундан 15000 нафарини доимий иш билан таъминлаш кўзда тутилмоқда. Умуман бандлик масаласини ҳал этиш ва аҳолининг реал даромадларини оширишга қаратилган бундай интилишларда O`zLiDeP вилоят кенгаши молия ва банк муассасалари билан яқин ҳамкорликни кенг йўлга қўйгани яхши самара бериши шубҳасиздир.

— Жаҳон банки амалиётидан маълумки, таъминотсиз кредит маблағлари берилмайди, — деди ўз сўзида Марказий банк департаменти директори ўринбосари Азамат Қосимов. — Мамлакатимиздаги тижорат банклари касб-ҳунар коллежларини тамомлаган ёшларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида ўз кредит сиёсатига ўзгартиришлар киритганини алоҳида таъкидламоқчиман. Бунинг афзаллиги қуйидагича: битирувчи талабада кредит олиш учун таъминот бўлмаган тақдирда унинг ўрнига яқин қариндошлари, хусусан, ота-онаси, акаси ёки опаси иш ҳақи тўғрисидаги маълумотни тақдим этган ҳолда кафил бўла олади. Жорий йилда Қашқадарё вилоятида барча молиялаш маблағлари ҳисобидан 48 млрд. сўмдан ортиқ микрокредит, шу жумладан, касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 1,3 млрд. сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағлари ажратилиши режалаштирилган.

Тадбирда Марказий банк ва тижорат банклари мутахассислари томонидан тадбиркорлик фаолияти учун бошланғич сармояни шакллантириш, кредит олиш ва ундан мақсадли фойдаланиш тартиб-қоидаларига оид кўргазмали материаллар ҳам намойиш қилинди.



Бухоро вилоятининг Вобкент туманида ташкил этилган амалий семинарда ҳам Юртбошимизнинг шу соҳага оид фармон ва қарорлари мазмун-моҳиятини мулкдорлар ўртасида кенгроқ тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Марказий банк раиси ўринбосари Муродилло Эшматов таъкидлаганидек, ҳозир республикамизда 31 та акциядорлик-тижорат банки, вилоятларда эса уларнинг 810 та филиали фаолият юритмоқда. Шунингдек, 4 мингдан зиёд минибанк ҳам аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари талаб-эҳтиёжларини қондиришга хизмат қилаяпти. Тадбирда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ривожлантириш бўйича тижорат банклари томонидан амалга оширилган ишлар ва жорий йил вазифалари юзасидан ҳам атрофлича маълумотлар берилди.

Семинар қатнашчилари, шунингдек, O`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси «Ёшлар қаноти» раҳбари Бегмат Очиловнинг йигит-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш мақсадида ишлаб чиқилган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон ўқувчи», «Ёш тадбиркорларнинг ёзги амалиёт мактаби» лойиҳаларига оид фикр-мулоҳазаларини тингладилар. Кейинги йилларда ушбу йўналишда эришилган натижалар тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди. Тадбирда Вобкент иқтисодиёт коллежи талабаси Беҳзод Хайриддиновнинг бизнес-режага асосан ажратиладиган маблағлар миқдори, тумандаги «Ишонч-Надежда» фирмаси раҳбари Исмат Худойқуловнинг эса банклардан сармоя олиш тартиб-қоидалари ва имкониятлари, гаровга қўйиладиган мол-мулк, шунингдек, «Вобкент» корхонаси раҳбари Камол Жалиловнинг ишлаб чиқаришни молиявий қўллаб-қувватлаш масалаларига оид саволларига банк муассасалари раҳбарлари томонидан аниқ жавоблар қайтарилди.

Маълумотларга қараганда, жорий йилда вилоятда ушбу соҳага ажратиладиган кредит ресурслари миқдорини 2010 йилдагига нисбатан 1,4 баробар, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш кўзда тутилмоқда. Агар бултур барча молиялаш манбалари ҳисобидан халқ хўжалиги тармоқларига 2009 йилдагига нисбатан 27,5 млрд. сўм кўп кредит маблағлари йўналтирилган бўлса, шу ҳисобдан 23 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилда эса ушбу соҳага жами 165,1 млрд. сўм миқдорида кредит, жумладан, 36,6 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратиш режалаштирилмоқда.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — жамиятимиз тараққиётининг мустаҳкам таянчи» мавзуига бағишланган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Насимжон Алимов сўзга чиқди.

Бойсун туманида ўтказилган тадбирда соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар юрт ободлиги ва аҳоли фаровонлигини таъминлаш, турмуш даражасини юксалтиришга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Айни пайтда воҳада фаолият юритаётган 24 минг 585 та тадбиркорлик субъектида 153 минг 200 киши иш билан банд бўлиб, ўтган йилнинг ўзидагина кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги корхоналарни ишга тушириш эвазига 60 минг 210 та янги иш ўрни яратилди. Хусусий секторни молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банклари ва бошқа манбалар ҳисобидан 113 млрд. сўм кредит маблағи ажратилди. Вилоят ялпи маҳсулотида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 71,6 фоизни ташкил этгани, товар экспортида хусусий секторнинг улуши ортиб бораётгани ҳам соҳага кўрсатилаётган эътибор натижасидир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳаётий муаммоларини ҳал этишда шаҳар ва туман ҳокимликларида ташкил этилаётган "Очиқ эшиклар куни" яхши самара бераётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Маҳаллий ҳокимлик ва прокуратура органлари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар бевосита соҳани ривожлантириш, сунъий тўсиқларга барҳам беришда муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, ўтган йили вилоятда ушбу мавзуда ташкил этилган учрашувларда 4 минг 243 нафар тадбиркор иштирок этиб, 763 та масаланинг ҳал этилишига эришилди.

Жорий йилда эса воҳада мазкур соҳани молиявий қўллаб-қувватлаш учун 154 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилиши режалаштирилган. Ҳозиргача 22 миллиард сўмга яқин кредит маблағи берилди. Бу йил қарийб 65 мингта янги иш ўрни яратиш режалаштирилган бўлса, шунинг 38 минг 885 таси айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига ташкил этилади.

— Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси" хусусий секторнинг қонуний манфаатларини мустаҳкамлашда дастуриламал вазифасини ўтаётир, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати А.Тошқулов, — Концепцияда илгари сурилган ғоялар асосида тадбиркорликка оид 11 та янги қонун қабул қилинади. Божхона кодекси ва унга яқин қонун ҳужжатларига эса ўзгартиришлар киритилади.

Амалий мулоқотда таъкидланганидек, бу йил Сурхондарёда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаяпти.

— Таълим муассасаларини битириб, мустақил ҳаётга йўлланма олаётган ёшлар ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун барча шароитлар мавжуд, —дейди республика Марказий банки вилоят бошқармаси бўлими бошлиғи Олим Эсанов. — Бу йил воҳадаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун 1 миллиард 300 миллион сўмдан ортиқ кредит маблағи ажратилади.

Вилоятда оилавий бизнесни ривожлантириш юзасидан ҳам аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар олиб борилаётир. Бу борада O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши депутатлар гуруҳи ҳам ўз дастурларини ишлаб чиқиб, шаҳар ва туманларда оилавий бизнесни йўлга қўйиш истагидаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, имтиёзли кредитлар олиш ва ўз фаолиятини тўғри йўлга қўйишда уларга кўмаклашаётир.

— Депутатлик гуруҳлари томонидан туманларда оилавий бизнес ҳолати ўрганилмоқда, — дейди O`zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари — аппарат раҳбари Абдулҳаким Турдиев. "Микрокредитбанк"нинг вилоят бошқармаси бу йил айнан оилавий бизнесни ривожлантиришга 591 миллион сўмдан ортиқ имтиёзли кредит ажратишни режалаштирган. Натижада 400 га яқин янги иш ўринлари яратилади.

Қизиқарли баҳс-мунозараларга бой бўлган анжуманда, шунингдек, "Диплом билан — бизнесга", "Ишбилармон ўқувчи", "Ёш тадбиркорларнинг ёзги амалиёт мактаби" лойиҳаларининг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.

*Мақолани Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Фарҳод ТОШБОЕВ тайёрлади*

# Намунали хизмат мижозлар ишончини мустаҳкамлаш асосидир

**«АСАКАБАНК»НИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН УЧ ОЙИ МОБАЙНИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 7 МЛРД. СЎМ МИКДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТДИ**



**Шаҳзод НАЗАРОВ,**
«XXI ASR»

Ўз мавқеини йилдан-йилга мустаҳкамлаб бораётган мазкур муассасанинг 6 та минибанки, 17 та валюта айирбошлаш шохобчаси, 4 та махсус кассаси, аҳолидан коммунал ва бошқа тўловларни қабул қиладиган 65 та шохобчаси мавжуд бўлиб, хизмат сифати ва маданиятини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда.

Мижозларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатувчи йирик саноат корхоналаридан тортиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига намунали молиявий хизмат кўрсатиш банк жамоасининг бирдан-бир мақсадидир. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида филиал томонидан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун 671 млн. сўм, шунингдек, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун жами 600 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари йўналтирилди. Бу эса корхоналарнинг рақобатбардошлигини оширибгина қолмай, аҳолининг арзон ва сифатли маҳсулотларга бўлган талабини қондиришда ҳам муҳим аҳамият касб этаётир.

Янги йилнинг илк кунларидаёқ кўпгина ёш оилаларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, уй-жой қуриш ёки сотиб олиш, мебель жиҳозлари, узоқ муддат фойдаланиладиган ҳаётий зарур буюмлар харид қилиш учун 646,8 млн. сўм миқдорида ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Умуман хизмат маданиятини ошириш ҳисобига мижозлар сафи кенгайиб, уларнинг банкка бўлган ишончи мустаҳкамланмоқда.

Бугун ҳаётимизни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятидан айри тасаввур қилиб бўлмайди. Пойтахтлик хотин-қизлар орасида ҳам тадбиркорликни йўлга қўйиб, сифатли ва бежирим маҳсулотлар ишлаб чиқараётган, қўшимча иш ўринлари очишга ўз ҳиссасини қўшаётганлар талайгина. Уларнинг кўпчилиги «Асакабанк» Тошкент шаҳар филиали мижози ҳисобланади. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида тадбиркор аёлларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 300 млн. сўм миқдорида кредит ажратилгани эътиборга моликдир.

Маълумки, нақд пулсиз чакана тўловлар тизимида пластик карточкаларнинг алоҳида ўрни бор. Ушбу электрон ҳамён орқали нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилишнинг афзал томонларини эслатишга ҳожат бўлмаса керак. Бугунгача филиал томонидан эмиссия қилинган пластик карточкалар сони 69115 тага, ўрнатилган терминаллар эса 439 тага етди. Жорий йилнинг ўзида ушбу карточкалар орқали амалга оширилган тўловлар ҳажми 7 млрд. 914 млн. сўмдан зиёдроқни ташкил этмоқда.

Аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этишни янада рағбатлантириш мақсадида ўтган қисқа давр мобайнида миллий ва хорижий валюталаги «Тадбиркор», «Баҳорги-1», «Наврўз», «Кафолатли», «Актив-1», «Стимул-2» каби янги омонат турлари жорий этилди. Омонатчилар сафи тобора кенгаймоқда.

Бир сўз билан айтганда, банк жамоаси ҳаётий манфаатлардан келиб чиқиб, мижозларга янги ва қулай молия хизматларини таклиф қилаётир. Бу эса уларнинг турмуш фаровонлигини ошириш, шаҳар иқтисодиётини ривожлантириш ва турли ижтимоий муаммоларни ҳал этишда ўз самарасини бераётир.



## Яна етмиш олти оила янги уйга кўчди

**Илҳомжон ЭГАМНАЗАРОВ,** «XXI ASR»

Андижон шаҳрининг Навоий шоҳкўчасида "Монолит строй сервис" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари томонидан бунёд этилган 2 та 4 қаватли уй фойдаланишга топширилди. Замонавий ва миллий меъморчилик асосида қурилган 76 хонадондан иборат кўркам турар жойда барча қулайликлар мавжуд. Хусусан, янги уйлар қаторида савдо дўкони, автомобиллар учун махсус майдон ҳам ташкил этилган.

— Айнан ана шундай уйда яшашни орзу қилар эдик, — дейди янги хонадон соҳибаси Гулнора Иноятова. — Бу масканда вояга еталиган фарзандларимизнинг ҳам дунёқараши ўзгариши аниқ. Кенг, қулай уйда яшаш кайфиятимизнинг яхши бўлишига, ишларимизнинг бароридан келишига ҳам ёрдам беради, албатта.

Янги уй эгалари Президентимиз раҳнамолигида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари халқимизнинг турмуш фаровонлигига хизмат қилаётганини таъкидламоқдалар.

ВОҚЕАЛАР, ДАЛИЛЛАР, ШАРҲЛАР



## Зарар 40 фоизни ташкил этаяпти

Экспертларнинг таъкидлашларича, Арктика ҳудудидаги атмосферанинг озон қатлами 2010 йилнинг декабридан 2011 йилнинг март ойигача 40 фоиз зарар кўрган. Ерни ультрабинафша нурларидан ҳимоя қилувчи мазкур қатлам ўтган йилнинг шу вақтида 30 фоиз зарарланган эди, дея хабар беради, Халқаро метеорология ташкилоти. Женевалик мутахассислар озон қатламининг емирилишини нафақат ноқулай қиш об-ҳавоси, балки инсон фаолияти таъсирида меъёридан ортиқ кимёвий моддалар чиқаётгани билан ҳам боғламоқдалар. Худди шундай фикрни Халқаро метеорология ташкилотининг бош котиби Мишел Жарро ҳам айтиб ўтган.

## «Hannover Messe-2011» давом этмоқда

Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилаётган “Hannover Messe-2011” Халқаро саноат ярмаркасида дунёнинг 65 мамлакатидан 6,5 мингдан зиёд фирма ва компаниялар ўз маҳсулот ва хизматлари билан иштирок этмоқдалар. Ярмаркада ишлаб чиқариш жараёнида энергия тежайдиган технологиялар, қайта тикланадиган энергия манбалари ва электромобилларга катта эътибор қаратилмоқда. Ташкилотчиларнинг фикрича, ярмаркада энергетика, машинасозлик, ахборот технологиялари, транспорт ва логистика, нанотехнологияларга оид беш мингдан зиёд янги техника ва технологиялар намойиш этилмоқда.



## Ҳукумат хавотирда

Ичимли сув захираси анчайин яхши бўлган Бразилиянинг тахминан 70 фоиз аҳолиси 2015 йилга бориб мазкур табиий бойлик танқислигига дуч келиши мумкин экан. Воқеаларнинг салбий ривожидан хавфсираган Бразилия ҳукумати тозалаш тизимини янгилаш учун 13 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритиши лозим. Бу ҳақда Бразилиянинг Сув ресурслари миллий агентлиги хабар берган.

Агентлик тадқиқотларига кўра, мамлакатнинг кўплаб ҳудудларидаги сув қувурлари таъмирталабдир. Фақатгина Рио-де-Жанейро, Сан-Паулу ва бошқа катта шаҳарларда бундай муаммолар юзага келмаган. Агар вазият ўз ҳолига ташлаб қўйилса, 2015 йилга келиб бунинг акси бўлиши мумкин. Мазкур ҳолатнинг олдини олиш учун агентлик ажратиладиган маблағнинг ярмини катта шаҳарларга сарфлаш таклифини билдирмоқда.

*Акбар МУЗАФФАРОВ тайёрлади.*

# Нотинч дунё изтироби

**ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН МАЪЛУМОТЛАРДА КЕЙИНГИ ЎН ЙИЛДА ДУНЁДА СОДИР БЎЛГАН ҲАРБИЙ ТЎҚНАШУВЛАР НАТИЖАСИДА 2 МИЛЛИОНДАН ЗИЁД ВОЯГА ЕТМАГАН БОЛАЛАР ҚУРБОН БЎЛГАНИ, 10 МИЛЛИОНДАН ЗИЁДИ ТУРЛИ ДАРАЖАДА ТАН ЖАРОҲАТИ ОЛГАНИ ТАЪКИДЛАНМОҚДА**

**Файзулло АБДУЛБОҚИЕВ**





Донолар тинчлик — цивилизация неъмати, уруш эса унинг офатидир, дейишган. Дарҳақиқат, глобал миқёсдаги иқтисодий ва молиявий инқироз даврида дунё халқлари учун тинчликни сақлаб қолиш, одамларнинг энг биринчи ҳуқуқи — яшаш ҳуқуқини таъминлашдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ эканини тобора чуқурроқ англаб етмоқдамиз. Ҳақиқатан ҳам, тинчлик деб аталмиш неъмат бўлмас экан, тараққиёт ҳам, ўсиш ҳам, фаровон ҳаёт ҳам бўлмайди. Шунинг учун урушларсиз ва қуролсиз дунёда яшаш барча халқларнинг азалий орзуси бўлиб келган.

Тарихий тараққиёт мантиғи эса дунё ишларига қора кучлар эмас, донишмандлар таъсир кўрсатгандагина тинчлик ҳукм суражагини исботлади. Афсуски, одамзот аксарият ҳолларда ана шундай донишмандлар фикрига қулоқ солмади, аксинча, айрим ҳолларда калтабин сиёсатчиларга ён босилди. Натижада энг нозик масала — муносабатлар бузилди, дунёнинг чигалликлари баттар таранглашди. У ёки бу ҳудудда уруш хавфи кучайиб, тинчлик неъмати хавф остида қолди. Асрлар давомида юз берган қонли урушлар тарихини кузатар эканмиз, кўз олдимизда даҳшатли манзара пайдо бўлади. Ўтган бир неча юз йилликлар мобайнида дунёда юз берган 14500 та катта ва кичик урушларда 3 млрд. 600 млн. кишининг ҳаётдан кўз юмгани тарихчилар томонидан такрорланмоқда. Биргина I ва II жаҳон уруши даврида 70 млн. киши ҳаётдан кўз юмган.

Энг ачинарлиси — ана шундай урушларда инсоният келажаги бўлмиш болалар ва аёллар энг кўп азият чекмоқда. Одатда ҳимояга, ёрдамга, алоҳида ғамхўрликка муҳтож ана шу табақа вакиллари ҳаётини ташвишлардан ҳоли этиш, улар осмонини қора булутлардан тозалаш ҳар доим муқаддас бурч саналган. Шуни ҳам айтиш лозимки, сайёрамизда ана шундай олижаноб юмушни баҳоли қудрат адо этишни ўз зиммасига олган ҳаракатлар борлиги кишини қувонтиради. БМТнинг Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ ва бир қатор халқаро ҳамда минтақавий ташкилотлар ана шу навқирон авлод турмуш фаровонлигини юксалтириш, улар ҳаётини турли-туман офатлардан асраш, ҳуқуқларини ҳимоялаш, оғир меҳнат, турмуш қийинчиликларидан озод қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни амалга оширмоқдалар. Жаҳон ҳамжамиятининг қашшоқлик ва очликни тугатишга, саводсизликка барҳам беришга, қочоқлар муаммосини ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлари биринчи галда болалар тўғрисидаги ғамхўрлик ифодаси, албатта. Зеро, юқорида тилга олинган иллатлар, аввало, жаҳон болаларининг ҳаётини издан чиқармоқда. Афсуски, ХХ аср саҳнасида юз берган ҳар икки жаҳон уруши, сайёрамизда бўлиб ўтган ва ҳозир ҳам давом этаётган кўп сонли урушлар ва ҳарбий тўқнашувлардан биринчи навбатда болалар жабр кўрмоқдалар. Ўн миллионлаб гўдаклар ана шу урушларнинг қурбонига айланишаяпти. Кейинги 50 йил мобайнида халқаро гуманитар ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари соҳасида бир қатор конвенциялар қабул қилинганига қарамай, ҳимоясиз болалар ва аёлларга нисбатан шафқатсиз муомалада бўлиш, уларни зўрлаш, қийнаш ва ўлдириш ҳоллари, аксарият ҳолларда ёш болаларни урушга ёллашдек оғир иллатларга ҳалигача барҳам берилмаяпти. Шу кунларда ҳам дунёнинг қатор ҳудудларида сайёрамиз ҳаётига хавф солаётган маҳаллий ва этник урушлар, миллий низолар давом этаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Айниқса, шу кунларда Африка ва Осиёнинг айрим мамлакатларида авж олган ички ҳарбий тўқнашувлар даставвал гўдаклар тақдирини издан чиқараётгани даҳшатли ва аянчли ҳолат. Таъкидлаш керакки, II жаҳон уруши якунланганидан бери то шу кунгача 150 дан ортиқ маҳаллий ва этник низолар, кенг миқёсдаги можаролар юз берди. Бу жангу жадалларга 8-9 яшар болаларнинг ҳам жалб этилаётгани кенг жамоатчиликнинг ҳақли эътирозига сабаб бўлаяпти. Келинг, шу ўринда айрим мисолларга мурожаат қилайлик. Умумий маълумотларга қараганда, кейинги 10 йил мобайнида дунёнинг 41 мамлакатидаги қуролли тўқнашувларда 300 мингга яқин ёш болалар иштирок этганлар. Аммо бу рўйхат унчалик тўлиқ эмас. Чунки БМТ фақат Хавфсизлик Кенгашида муҳокама қилинган “қайноқ нуқталар”даги вазиятни ҳисобга олган, холос. Болаларни урушга жалб этаётган мамлакатлар сифатида Афғонистон, Мьянма, Колумбия, Бурунди, Конго Демократик Республикаси, Либерия, Сомали, Судан, Чад сингари давлатларнинг номлари тилга олинаяптики, можаронинг тўхтовсиз давом этаётгани оқибатида ана шу мамлакатларнинг аксариятида урушга одатланиб қолган янги авлод шаклланиб улгурди, дейиш мумкин. Улар учун ўқиш, таълим-тарбия олиш, ишлаб чиқариш билан шуғулланиш ёт ҳодисага айланди. Экспертлар қайд этишларича, аскар болалар хизматидан Африка давлатларида ҳам исёнчилар, ҳам ҳукумат вакиллари бирдек фойдаланмоқда. Биргина Руандада юз берган маҳаллий низолар чоғида 300 мингдан зиёд норасида ҳалок бўлгани ҳақида маълумотлар тарқатилган. Халқаро болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ маълумотларига кўра эса охирги ўн йилда юз берган ҳарбий тўқнашувларда камида 2 млн. вояга етмаган бола қурбон бўлган. 10 млн. дан ортиқ бола эса майиб-мажруҳ бўлгани етмаганидек, улар ота-оналари билан бошпаналаридан ҳам жудо бўлганлар. Халқаро ҳамжамиятнинг Фаластин мухториятида “болалар” терроризми ўсиб бораётгани борасидаги баёнотлари ҳам ушбу ҳудуддаги вазиятнинг ниҳоятда чигал эканини кўрсатади. Экспертлар ҳисоботида аскар болалардан фойдаланувчилар сифатида “Хамас”, “Ислом жиҳоди”, “Ал Ақсо” мужоҳидлари бригадаси, “Ҳизбуллоҳ” ва араб-исроил можаросида иштирок этаётган қатор гуруҳлар номи тилга олинаяпти.

Тўғри, 2000 йил 25 май куни Нью-Йоркда имзоланган Факультатив протокол ва БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қабул қилинган бир неча резолюцияда вояга етмаган болалардан қуролли можароларда фойдаланишни тақиқлаш кўзда тутилган. Соҳада муайян натижага эришиш мураккаб кечаётгани эса болалар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция ва БМТнинг 18 ёшга тўлмаган болалардан қуролли можароларда фойдаланишни тақиқловчи бошқа ҳужжатлар мазкур битимларга имзо чеккан айрим давлатлар томонидан умуман бажарилмаётгани билан ҳам боғлиқдир. Гарчи БМТ Хавфсизлик Кенгаши болаларни урушга ёллаш ҳолатларини қоралаб, улардан ҳарбий мақсадларда фойдаланаётган мамлакатлар фаолиятини кузатиб бораётган бўлсада, бирор-бир айбдор томоннинг жавобгарликка тортилмаётгани бу борадаги самарадорликни йўққа чиқармоқда. Таъкидлаш керакки, бошқа турдаги зўравонликлар ҳам болалар учун ёт эмас. Айрим давлатларда ёш авлод вакиллари учун мактаб эшиклари умуман ёпиқлиги, 1 млрд. дан зиёд одамнинг саводсизлиги, уларнинг аксариятини эса болалар ташкил этаётгани бунга мисол бўлиши мумкин. Ҳатто айрим ривожланаётган мамлакатларда мактабга жалб этилган болаларнинг 60 фоизи турмуш қийинчиликлари туфайли ўқишдан кетишга мажбур бўлаётгани, ҳар йили сайёрамиз бўйлаб 14 млн. гўдакнинг турли хасталиклардан ўлаётгани ҳам бу борадаги вазиятнинг нақадар аянчли эканини кўрсатиб турибди.

Жаҳон бўйлаб дон ва озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ўсиб бораётгани ва бундан, аввало, келажак эгалари — ёшларнинг жабр кўраётгани ҳам жамоатчиликни жиддий ташвишга солмоқда. Шу пайтга қадар мўл-кўл бўлиб келган бу маҳсулотлар эндиликда том маънода ўз қадрини кўрсата бошлади. Ғалла, дон нархининг кескин ўсиши аксарият экспертлар таъкидлаётганларидек, ҳақиқатан ҳам ваҳималидир. Дунё бозорида илгари кузатилмаган бундай нохуш холат БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги агентлиги (FAO) мутахассислари томонидан ҳам сўнгги ўн йиллар ичидаги энг баланд чўққи, дея эътироф этилаяпти.

Агар экспертларнинг хулосаларига таянсак, биринчи галда дунёнинг асосий ғалла етиштириладиган давлатларида ҳукм сурган қурғоқчилик ҳамда бир вақтнинг ўзида Ҳиндистон ва Япония каби мамлакатларда унга талабнинг ошиб кетгани асосий сабаб ҳисобланаётир. Ноқулай об-ҳаво шароити ана шу маҳсулот миқдорининг кескин камайиб кетишига олиб келди. Қолаверса, дунё бўйлаб ғалла майдонларининг деярли 20 фоиз қисқаргани ҳам вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Шубҳасиз, бундай омиллар ҳам нотинч дунё болалари аҳволини оғирлаштиришга хизмат қилаётир.



# Тошкент — жаҳон чемпионати мезбони

**МУАЙТАЙ СПОРТ ТУРИ ТАРИХИДА БИРИНЧИ МАРОТАБА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИНИ ТАИЛАНДДАН БОШҚА МАМЛАКАТ, ЯЪНИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЎТКАЗИШГА ҚАРОР ҚИЛГАН ХАЛҚАРО МУАЙТАЙ ҲАВАСКОРЛАР ФЕДЕРАЦИЯСИ (ХМҲФ) ТОШКЕНТГА КЕЛМАЙДИГАН ТЕРМА ЖАМОАЛАРГА КЕСКИН ЧОРАЛАР КЎРИЛИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ**



Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш марказидан олинган маълумотларга кўра, бу ҳақда мамлакатимиздаги Муайтай профессионал ва ҳаваскорлар ассоциациясига хат юборган ХМҲФ бош котиби Стефан Фокс баёнот берган.

Унда таъкидланишича, мамлакатимизда бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига 2011 йилнинг биринчи рақамли мусобақаси мақомини бериш мақсадида муайтай бўйича ҳар йили ўтказиладиган Қирол кубоги ушбу спорт тури тарихида илк бора бекор қилинган. Ўз навбатида Халқаро Муайтай ҳаваскорлар федерацияси узрли сабабларсиз жаҳон чемпионатига ташриф буюрмаган терма жамоалар 2012 йил ўтказиладиган халқаро мусобақаларга чақирилмаслигини маълум қилган.

Таъкидлаш жоиз: жорий йилнинг 20-27 сентябрь кунлари ўтказиладиган жаҳон чемпионатига дунёнинг 80 дан ортиқ мамлакатидан 1500 нафарга яқин муайтайчиларнинг ташриф буюриши кутилмоқда.

## ОЛТИНЧИСИ ҚЎНДИ, ЎНИНЧИСИ ТЎЙГА ТЎЁНА БЎЛАДИ

2 апрель куни «Тошкент» халқаро аэропортига «Ўзбекистон ҳаво йўллари» МАК ҳамда Airbus компанияси ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ айнан Ўзбекистон учун йиғилиб, юртимизга олиб келиниши лозим бўлган ўнта А320 русумли ҳаво кемасининг олтинчиси қўнди.

Миллий авиакомпания ахборот хизматидан хабар қилинишича, Ту-154 самолётларига нисбатан ўртача 2 баробар кам ёнилғи сарфлайдиган мазкур русумдаги авиалайнерлар ёрдамида шу пайтга қадар Амристар, Деҳли, Лахор, Бишкек, Краснодар, Калининград, Новосибирск, Тюмень, Москва ва Санкт-Петербург каби шаҳарларга қарийб 1250 тага яқин рейс амалга оширилиб, 140 минг нафардан зиёд йўловчига хизмат кўрсатилган.

Маълумотларга кўра, Ўзбекистон мустақиллигининг 20 йиллиги нишонланадиган жорий йилда А320 самолётларининг юртимиздаги сони 10 тага етказилади.




## «Кредит-Стандарт» — Ўзбекистоннинг энг яхши банки деб топилди

Молиявий-иқтисодий соҳани ёритувчи йирик халқаро нашр — «Global Finance» журнали «Кредит-Стандарт» очиқ акциядорлик-тижорат банки Ўзбекистоннинг 2011 йилдаги энг яхши банки, деб топилганини маълум қилди.

Банк расмий сайтида келтирилишича, мазкур танловда Марказий ва Шарқий Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг 20 дан ортиқ мамлакатидаги банклар иштирок этган.

Таъкидлаш жоиз: журнал таҳририяти энг яхши банкларни соҳанинг етакчи таҳлилчилари ва мутахассисларидан иборат ҳайъат аъзолари билан биргаликда молиявий муассаса активларининг ўсиши, мижозлар билан ишлаш тартиби, рақобатбардош баҳолаш сиёсати даражаси ҳамда инновацион маҳсулотлар ҳажми каби кўрсаткичларга кўра аниқлаган.

Шу ўринда 1987 йилда ташкил этилиб, айни пайтда 50 минг нусхада чоп этилаётган «Global Finance» журнали дунёнинг 163 та мамлакатида тарқатилиб, 250 минг кишилик аудиторияга эга эканини, 2003 йилдан буён фаолият юритаётган «Кредит-Стандарт» ОАТБ эса ушбу номга қаторасига тўртинчи маротаба лойиқ топилаётганини айтиб ўтиш лозим.

Маълумотларга кўра, тақдирлаш маросими шу йилнинг кузида Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банкининг Вашингтонда ташкил этиладиган анъанавий йиғилишида бўлиб ўтади.









XXI ASR
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Муҳаммадюсуф ТЕШАБОЕВ, Абдурашид ЖЎРАБОЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илҳом НАСРИЕВ, Мухлиса АКРАМОВА, Равшан ОХУНОВ, Шуҳрат НОРГИТОВ, Шуҳрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ.
ТАҲРИРИЯТ: Озод РАЖАБОВ, Маркс ЮСУПОВ, Зумрад АБРОРОВА, Шаҳзод НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асҳор ИСТАМОВ, Тоҳир МАЛИК, Темур АБДУРАҲМОНОВ, Тоҳир МИРХОДИЕВ, Носир ТОШЕВ, Шуҳрат ОХУНЖОНОВ. БОШ МУҲАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ.
МАТН ТЕРУВЧИ: Нигора ЖЎРАЕВА.
БЎЛИМЛАР: Котибият — **281-40-17** (тел./факс), Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — **255-64-80**, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — **255-64-80**, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — **215-60-45**, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — **254-03-79**, Реклама ва шартномалар бўлими — **215-60-45**, **255-68-50**, Қабулхона: **215-63-80** (тел./факс).
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, **73**А-уй. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborotXXIasr@yahoo.com, XXI_ASR@yahoo.com, XXI_ASR@mail.ru
©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, **30**-уй.
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2007 йил 11 январда 009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
Буюртма рақами: J 1481. Тираж: 16 376
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди — 03:50
Навбатчилар:
Қ.САЙДАЛИЕВ, Ш.ХЎЖАЕВ.